# ҒОЛИБ СОВЕТ ХАЛҚИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*


# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 106 (20. 673) • 1990 йил 9 май, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.


## Қайта қуриш даврини текшириб

МОСКВА, 7 май. (ТАСС мухбири). «Иккинчи соатсозлик заводи» Москва ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия ташкилоти Фрунзе районидаги 4-партия сайлов округидаги энг катта ташкилотдир. Бу округда партия XXVIII съезди делегатлигига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Президенти М. С. Горбачев номзоди овозга қўйилмоқда. Бугун у корхона коммунистлари, меҳнат коллективи билан учрашди.

* * *

Соатсозлик заводига бориш, деди КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Ю. А. Прокофьев ТАСС мухбирига, Коммунистик партия раҳбарларининг пойтахт коммунистлари, меҳнат коллективлари билан учрашувлари туркумини давом эттирди. Маълумки, съездолди кампанияси давомида Н. И. Рижков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев билан шундай учрашувлар бўлиб ўтди, бу учрашувлар партиямиздаги демократиялаш жараёни ҳозирнинг ўзидаёқ воқеликка айланганини яққол кўрсатди. Ҳозир оддий коммунистлар позицияларини ўзлари белгилаб олишлари, Бош секретарь ёки Сиёсий бюро аъзосини съездга делегат қилиб сайлаш ёки сайламасликни ўзлари ҳал қилишлари мумкин. Ҳозир давом этаётган партиянинг янгилаш жараёни, очиғини айтиш керак, партия раҳбарлари билан партия аъзоси бўлган омма ўртасида вужудга келган узилишни қисқартиришга имкон беради. Бўлиб ўтган барча учрашувлар (бугунгиси ҳам бундан истисно эмас) рўй-ростлик, ўзаро манфаатдорлик муҳити билан ажралиб турди. Коммунистлар мамлакатдаги партиядаги аҳвол тўғрисида шиорлар ва даъватларсиз гапирмоқдалар, юз берган вазиятдан чиқиш йўлларини муҳокама қилмоқдалар.

*Кўпмиллатли Ватанимиз, бутун тараққийпарвар инсоният совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 45 йиллигини байрам қилмоқда.*

## БИР САФДА

Улуғ Ватан уруши йиллари... Унинг жанговар йўллари... Турли миллат вакиллари қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатдилар.

Мухбир В. Молгачев олган бу суратда сиз ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва уч даража Шуҳрат ордени кавалерларини кўриб турибсиз, (чапдан ўнгга): А. Тоғматов (Советобод районы, Жом қишлоғи), А. Жамолов (Фарғона районы, Аввал қишлоғи), Р. Тукаев (Андижон), Г. Валиев (Наманган), Ф. Йўлдошев (Наманган районы, Ирводан қишлоғи), П. Шевелев (Тошкент), Ю. Эргашев (Олтинкўл районы, «Коммунизм» колхози), Т. Ражабов (Андижон), И. Мурзаев (Советобод районы, «Москва» совхози).

# СИЗЛАРГА ТАЪЗИМ, ҒАЛАБА АСКАРЛАРИ!

9 Май

## Уруш, меҳнат ва СССР Қуролли Кучлари ветеранлари билан Кремлда учрашув

Йиллар озодлик, шон-шараф ва мустақилликни қаттиқ туриб ҳимоя қилган, инсониятга қарши даҳшатли куч — фашизмни тор-мор келтирган совет халқининг буюк ва машаққатли жасоратини хотирадан ўчира олмайди. Фронтда қўлда қурол билан ёки мамлакат ичкарисида Ғалабани таъминлаган кишилардан абадий миннатдормиз.

Улар, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари анча ёшга бориб қолишди: ҳар ҳолда сўнгги, Ғалаба тўплари отилган пайтдан бери орадан 45 йил ўтди. Аммо улар 7 май куни Кремлга, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари ўтадиган залга таклифнома олгач, ўзларининг байрамларда кийиладиган ҳарбий либосларини кийгач, гўё яшариб кетгандек бўлдилар. Кўкракларига кўплаб жанговар мукофотлар билан ёнма-ён қаҳрамонлик Олтин юлдузларини ва Шуҳрат юлдузларини ифтихор билан қададилар.

Фронт ва фронторти ветеранлари бу ерга фақат ўзлари эмас, балки бошқа ветеранлар билан бирга келишди. Бу ветеранлар ёш бўлишса-да, Афғонистондаги жангларда тобланган мард собиқ жангчилардир. Дарвоқе, бу ўринда «келишди» десак унча аниқ бўлмайди: кўпгина кишилар ўзлари яшаб турган жойлардан юзлаб, минглаб километр йўлни босиб ўтдилар. Ветеранлар — асли байналмилал кишилардир: ҳужумга кира туриб, қонининг группасини сўрашмаган. Улар биргаликда қон тўкиб, муштарак хонадонимиз — Ватанимизни — муштарак озодлигимизни ҳимоя қилганлар.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам улар байрам либосида ва зал ҳам бутунлай байрам тусидадир. Фикрлашув эса расмиятчиликдан, тантанабозликдан холи, самимий, ҳаяжонли ва бугунги турмуш услубига хос, баъзан эса кескин тарзда бўлди.

Президиумда М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, СССР Президентлик Кенгашининг аъзолари билан бир қаторда тилларда достон бўлган уруш қаҳрамонлари, совет ҳарбий саркардалари ўтиришибди.

Учрашувни **М. С. Горбачев** очди. У шундай деди:

Азиз ўртоқлар, бу ерда, партия Марказий Комитетида, Кремлда Совет Иттифоқи Қаҳрамонларини, барча Шуҳрат орденлари нишондорларини, уруш ва меҳнат ветеранларини, Совет Қуролли Кучлари ва ёшлари вакилларининг улуғ байрам — Ғалаба куни арафасида самимий муборакбод этаман.

Сизларни табриклар эканман, азиз ўртоқлар, барчангизни, ғалаба ижодкорлари ва ворисларини мана шу байрам билан ҳам қутлашни истардим.

Совет кишилари фронт қатнашчилари ҳамда оғир уруш йилларида мамлакат ичкарисида фидокорона ва садоқат билан меҳнат қилган, фабрикаларда, заводларда, колхозларда, фермаларда, илмий лабораторияларда Ғалабани таъминлаган кишилар кўрсатган жасорат олдида таъзим қиладилар. Улар ўша йиллар авлодлари урушдан кейин мамлакатни вайроналардан тозалаб, уни тинч турмушга қайтариш учун қилган барча ишларидан миннатдордирлар. Ҳозир ҳаёт бўлган биз ҳаммамиз совет кишиларининг уруш йилларининг ғоят кўп маҳрумликлар ва қийинчиликларини ўз зиммасига олган кекса авлодларидан чексиз миннатдормиз.

Ветеранлар буюк ва қаҳрамонона, фожиали ҳаётни бошдан кечирдилар. Уларнинг жанговар меҳнати туфайли кўп ниҳоятдан бутун дунё тақдирига жуда катта таъсир кўрсатадиган қудратли давлат барпо этилди. Совет кишиларининг мана шу авлоди кўрсатган жасорат, буюк Ғалабага улар қўшган беқиёс ҳисса бўлмаса, бугунги кунда биз жамиятимиз тараққиётининг мана шу босқичида ўз олдимизга социализм имкониятини намоён этиш йўлида, инсонпарвар демократик жамият сари ҳаракат йўлида ўз олдимизга буюк вазифаларни қўйишимиз мумкинлигини тасаввур қилиш қийин. Ғалабамиз ғоят қимматга тушди.

Ана шу даҳшатли урушда ҳалок бўлганлар, мамлакат ичкарисидаги ҳаддан ташқари оғир меҳнат туфайли ҳаётдан кўз юмганлар хотирасини ҳурмат билан эсга олайлик. Уларнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб эзозлайлик.

**(Ҳамма ўрнидан туради. Сукут дақиқаси).**

Уруш йилларидаги улуғ халқ жасорати совет кишилари барча авлодларининг хотирасида ва ишларида абадий сақланиб қолади.

Азиз ўртоқлар, эртага бу юк Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилади. Биз ушбу йиғилишда ветеранларни кўришдан ва уларни халқ номидан табриклашдан мамнун бўламиз. Бугун эса сизларни астойдил, самимий қутлашни, яна бир бор бутун халқ номидан чуқур миннатдорчилик туйғуларини баён этишни истардим. Мен буни ҳозирги авлодларнинг ғоят юксак бурчи, деб биламан, ўйлайманки, жамиятимиздаги барча софдил кишилар ҳам шундай деб биладилар.

Биз шу кунларда уруш ветеранларига, фронтчиларга, мамлакат ичкарисида Ғалабани таъминлаган кишиларга қарата шундай деймиз: сизларнинг жасоратингиз, сизларнинг бурчга садоқатингиз, сизларнинг ватанпарварлигингиз — бугунги кунда улкан ўзгартишнинг тарихий вазифаларини ҳал этаётган барча кишилар учун намунадир. Мана шу барча ишларда фаол иштирок этаётганлигингиз учун сизларга ташаккур билдираман. Биз буни биламиз, ветеранларнинг мустаҳкам гражданлик позициясини биламиз. Улар ўз позициясини жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига, ҳар бир гражданига, мамлакат раҳбариятига етказиш учун барча асослари бор, чунки улар бунинг учун маънавий ҳуқуққа эгадирлар.

Ўйлаймизки, бу — ветеранларнинг фикрлари, позицияси, нуқтаи назари ҳозирги кундаги ишларимизда ғоят кучли ва муҳим инсоний омилдир. Барчангизга сиҳатсаломатлик, узоқ умр тилайман ва буюк Ғалабанинг 50 йиллигида ҳам учрашиб, уни биргаликда нишонлашни, сўнгра ундан кейин нималар қилиш тўғрисида келишиб олишни тилайман. **(Қарсаклар).**

Ветеранлар билан учрашув очиқ деб эълон қилинади ва Совет Иттифоқи Маршали **В. Г. Куликов**га сўз берилади.

Ана шу оғир кунларда кўп нарсалар эсга тушади, айни вақтда кўп нарсалар кўз олдимизда намоён бўлади, дея мурожаат қилди маршал СССР Президентига, уруш ва меҳнат ветеранларига, жанговар дўстларига. Энг муҳими фашист босқинчиларига қарши қақшатқич жангларда совет халқи социалистик Ватанимизни сақлаб қола олди, Ғарбий Европадаги гитлерчилар босиб олган мамлакатларга озодлик келтирди, жаҳон цивилизациясини асраб қолди. Гитлерчилар Германияси устидан қозонилган Ғалаба совет халқи, унинг шавкатли Қуролли Кучларининг мислсиз куч-қувватини бутун жаҳонга намойиш қилди, у фахримиз ва некбинлигимизнинг асоси, Ватан даъвати этган пайтда барча нарсаларни бартараф этиш, барча нарсаларни енгишга тайёрликнинг манбаи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Маршал ветеранлар номидан учрашувга таклиф учун, улар шанига яхши сўзлар айтганлиги учун М. С. Горбачевга миннатдорчилик билдирди. Бу Коммунистик партиянинг, Совет ҳукуматининг уруш йўлларида Ватанга бўлган сўнмас муҳаббатини, унинг душманларига нафратини, ҳарбий бурчга, Ленин идеалларига чексиз садоқатини ўз қалбида сақлаб, барча синовлардан ўтган кишиларга қилаётган ғамхўрлигининг яна бир далилидир.

Бу Ватанимиз учун ўз ҳаётини қурбон қилган кишилар ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтириш ҳамдир. Ғалабанинг ҳамма — фронтда жанг қилганлар ҳам, фронт орқасида тер тўкканлар ҳам яқинлаштирган эдилар. Ғалаба ҳаммамизники эди, у мамлакатимиз меҳнаткашларининг бугунги ишларида Ғалабани яқинлаштирган кишиларнинг ишларида яшаб келмоқда.

Бироқ, ҳозир Советларни ва ветеранлар тажрибасини назар-писанд қилмасдан рад этаётган сиёсий баҳироқлар ҳам пайдо бўлмоқда. Улар совет кишилари ҳарбий жасоратини камситиб, ўзларини аямай жанг ғоҳларда қурбон бўлган ўша аскарлар туфайли яшаётганликларини ўйламаяптилар. Биз санамлар эмасмиз, бизга сиғиниш керак эмас. Лекин биз ҳақоратларга ҳам сазовор эмасмиз ва бунга чидай олмаймиз. Ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги ҳалигача душман бомбалари, снарядлари парчаларини, ўқларини ўз танларида олиб юришибди. Жароҳатлар битиб кетади. Лекин ҳақорат етказган жароҳат ўқдан ёки снаряд парчасидан олинган жароҳатга нисбатан оғирроқдир.

Ветеранлар, ўзларининг хизматлари ва бутун ишлари билан умумхалқ ҳурматига сазовор бўлдилар ва халқ мададидан умидвор бўлишга ҳақлидирлар. Улар — некбинлардир, улар жамиятимизнинг ўзгаришига ишонадилар. Биз кўп йиллар илгари ҳарбий қасамёд қилар эканмиз, ўз Ватанимизга садоқатли бўламиз деб онт ичганмиз, ўз қасамёдимизга содиқ қоламиз.

Тамбовлик ўқитувчи, учта Шуҳрат ордени соҳиби **Н. В. Попов** минбарга чиқади. У Польшани озод қилган, Берлин остонасида қўлидан айрилган.

Совет кишиларининг катта авлоди учун Ватан ва партия ажралмасдир, деди ветеран. Бу айниқса оғир уруш йилларида ёрқин намоён бўлди. Биз партиямизга гвардиячи оддий солдат бўлиб киргганмиз, жангга отланганмиз ва душманни тўхтатиб қолганмиз. Биз фронтда шон-шуҳрат учун эмас, балки Ер юзида эзгу ҳаёт бўлсин, деб жанг қилганмиз.

Бугун бизни ижтимоий-сиёсий соҳадаги кескинлик, иқтисодиётдаги танг ҳолатлар, миллатлараро негиздаги можаролар, жиноятчиликнинг кўпайиши, интизом ва тартибнинг пасайиши ташвишга солмоқда. Ватан уруши солдатлари ва партия ветеранлари (биз айни вақтда ҳам уруш солдатлари, ҳам партия ветеранларимиз) партия Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига йўллаган очиқ хатини бутунлай ва тўла-тўкис қўллаб-қувватлашларини тантанали равишда айтмоқдалар. Биз партиянинг бўлиниб кетишига қатъиян қаршимиз. Биз партия сафлари жипслашиши тарафдоримиз. Марказий Комитет собиқ оддий жангчилар партияни ҳимоя қилишларини билиб қўйсин.

Ватанни унутишга вақт эрта бўлгани сингари партияни унутишга ҳам вақт эрта. Фракциячи гуруҳларнинг ташкилотчиларига келганда эса, улар бугун партия билан бир йўлдан боролмайдилар. Партия ана шу «юкдан» халос бўлиши керак.

Ветеран Улуғ Ватан урушида қозонилган буюк Ғалаба ва унинг тарихи ҳақида гапирар экан, қуйидагиларни таъкидлади: ҳозир бекорга уруш қилган эканмиз, урушни бошқа усулда олиб борган эканмиз, гўёки, бошқача урушган эканмиз, деган кўп гаплар бўляпти. Ҳа, турли хил ирвогарлар бугунги кунда, урушдан кейин 45 йил ўтгач, гапиришлари осон.

**(Давоми иккинчи бетда).**

# СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1990 ЙИЛ 9 МАЙ № 150 МОСКВА ШАҲРИ

Ўртоқ аскарлар ва матрослар, сержантлар ва старшиналар, прапорщиклар ва мичманлар, офицерлар, генераллар ва адмираллар!

Уруш, меҳнат ва СССР Қуролли Кучлари ветеранлари, ўртоқлар!

Бугун Ватанимиз, бутун тараққийпарвар инсоният совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 45 йиллигини байрам қилмоқда.

Герман фашизми Совет Иттифоқига қарши бошлаган бу урушда жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг, жаҳон маърифатининг тақдири ҳал қилинаётган эди.

Совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари Коммунистик партия раҳбарлигида, фашистлар Германиясини қақшатқич мағлубиятга учратди, босқинчиларга қарши шафқатсиз курашда ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолди. Европа халқларини халос қилди.

Урушдаги Ғалаба совет жангчиларининг жанг майдонларидаги мардлиги, жанговар маҳорати ва қаҳрамонлиги билан, партизанлар ва яширин кураш олиб борувчиларнинг фронт ортидаги фидокорона кураши билан, мамлакат ичкарисидаги ходимларнинг кундалик меҳнат жасорати билан, Гитлерга қарши уюшма ва антифашист ҳаракатнинг бирлашган куч-ғайратлари билан қўлга киритилди. Она-Ватан урушнинг оғир синовларини бошидан кечирган совет кишилари авлодининг ватанпарварлик ишларини ҳеч қачон унутмайди. Мамлакат айни шу туфайлигина Ғалаба қилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Қуролли Кучларининг қаҳрамонона анъаналари бойитилди. Улар кучли ва маккор душманга қарши яккама-якка курашда Ватанимиз қуролининг, совет ҳарбий санъатининг сўзсиз устунлигини ишонарли тарзда исботладилар, бутун дунёга ҳарбий шавкат, фидокорлик ва инсонпарварлик намуналарини кўрсатдилар.

Ҳозир Армия ва Флот сафларида фронтчиларнинг фарзандлари ва неваралари хизмат қилмоқдалар. Улар кекса авлоддан қабул қилиб олган ҳарбий бурчга садоқат эстафетасини муносиб давом эттирмоқдалар. Ғалабамиз ана шу садоқатда, Ватан ҳимоячилари авлодларининг узлуксиз давомийлигида яшамоқда!

Армия ва Флот жангчилари барча совет кишилари қатори қайта қуриш, социализмни янгилашнинг амалий вазифаларини ҳал этишда фаол иштирок этмоқдалар. Жамиятда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотлар билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда мудофаа қурилишида, туб ҳарбий ислоҳотнинг жиҳатлари бўлмиш Қуролли Кучлар таркиби, тузилиши ва тайёргарлигида ҳарбий мудофаа доктринасининг, оқилона етарлилик принципининг талабларига мос келувчи туб ўзгартишлар амалга оширилмоқда.

Кўп жиҳатдан СССРдаги қайта қуриш жараёнлари туфайли ва уларнинг ҳаётбахш таъсири натижасида жаҳон майдонида ижобий ўзгаришлар бўлмоқда. Ҳарбий қарама-қарши туриш даражаси пасаймоқда, сиёсий мулоқот ривожланиб бормоқда. Музокаралар жараёни тобора аниқ-равшан тус олмоқда. Шунга қарамай, ижобий силжишлар ҳали муқаррар тус олганича йўқ. Жаҳонда уруш хавфи сақланиб турибди. Тарих сабоқлари бизга ғоят ҳушёр бўлиш зарурлигини эслатиб турибди. Мамлакатнинг ишончли мудофаа қобилятини таъминлаш Совет давлатининг, бутун совет халқининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ана шу вазифани бажариш учун алоҳида масъулият СССР Қуролли Кучлари зиммасига юклатилган.

Ўз ватанпарварлик ва байналмилал бурчига содиқ совет жангчилари ўз халқининг бунёдкорлик меҳнатини, социализм ишини ва Ер юзида тинчликни сезгирлик билан асрамоқдалар.

Армия ва Флот жангчиларини, уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар ветеранларини буюк Ғалаба байрами билан қутлайман ва табриклайман.

Совет халқининг 1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 45 йиллигини нишонлаш юзасидан **буюраман:**

Бугун, 1990 йил 9 Май куни Ватанимиз пойтахти қаҳрамон шаҳар Москвада, Иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, Қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула, Смоленск, Мурманскда, Брест Қаҳрамон қалъасида, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида маҳаллий вақт билан соат 22 да тўплардан ўттиз марта ўқ узилиб байрам салюти берилсин.

Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар бўлсин.

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

**СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали**

**Д. ЯЗОВ.**

1945 - 1990

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи сессиясининг 1990 йил 31 мартдаги қарорига мувофиқ республика ёшларининг ҳарбий хизматга чақирилиши масалалари юзасидан гражданлардан тушаётган хатлар, шикоятлар, аризалар ва мурожаатларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси ўртоқ М. И. Ибраҳимов бошчилигидаги ишчи комиссиясини тузди.

Комиссия таркибига Ўзбекистон ССР халқ депутатлари А. А. Аъзамхўжаев, П. Қ. Қодиров, В. Н. Маҳмудов, А. Н. Носиров, Э. Ҳ. Халилов ўртоқлар ва Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг биринчи ўринбосари ўртоқ Ш. И. Каримов кирдилар.

Комиссия Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қабулхонасида ҳар куни ишлайди.

# СИЗЛАРГА ТАЪЗИМ, ҒАЛАБА АСКАРЛАРИ!

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

Жанг қилиш ниҳоятда оғир бўлган эди. Собиқ солдат сифатида шуларни айтмоқчиман: ҳар қандай сафсатабоз ва туҳматчини ҳеч бўлмаса бир марта душманнинг руҳий ҳужумини даф этиш ёки душманга ҳужум қилиш учун ўзимиз билан бир мартагина олиб боришимиз керак эди. Ана шунда уларнинг ҳар бири бўлар-бўлмас гапларни айтишни хоҳламаган ва тиллари танглайларига ёпишиб қолган бўлур эди.

Ҳалигача уруш ҳар бир жанговар ветераннинг тушига киради. Шарқий Европа мамлакатларида ҳалок бўлган жангчиларимиз ёдгорликларини ҳозир таққирлашаётганини кўриш қанчалар оғир. Бизда ҳам, Литвада Совет Армиясини босқинчи армия деб аташаётгани янада аламлидир.

Солдатлар бу мамлакатларни ҳамда Болтиқбўйини озод қилишар экан, одамлар озод бўлишлари учун жонларини қурбон қилишди. Ватанимиз умуммиллий қадриятини муқаддас билиб сақлашимиз керак.

Бугунги иқтисодий қийинчиликлар ва муаммолар жамиятимиз қурилиши йилларида шаклланган асосий қадриятларни тўсиб қўя олмайди.

Совет кишилари катта авлодининг бутун ҳаётий тажрибаси митинглар ва иш ташлашлар эмас, балки сидқидилдан меҳнат қилиш ва ишга ижодий муносабатда бўлишгина барча иқтисодий, шу жумладан миллий муаммоларни ҳал этиши мумкинлигидан далолат беради ва шунга ишонтиради. Тарихни сохталаштиришга, халқимиз, унинг Қуролли Кучлари ўтмишини қоралашга уринаётган кишиларга эргашиш керак эмас. Болтиқбўйида, Озарбайжонда, Арманистонда, Молдавияда, мамлакатнинг бошқа регионларида шундай қилинмоқда.

Нотиқ ветеранларнинг бугунги муаммолари тўғрисида, жумладан, энг кам иш ҳақидан тайинланган пенсиялар бундан кейин ҳам жуда паст бўлиб қолиши тўғрисида гапирди. Унинг фикрича, бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Мамлакат Президенти Ғалабанинг 45 йиллиги арафасида биз билан учрашиш учун вақт топганлигини ҳар биримиз қадрлаймиз, деди Уруш ва меҳнат ветеранлари Москва область кенгашининг раиси, СССР халқ депутати **В. Я. Азаров**. Бу Ғалаба бўлмаганида улуғ қайта қуриш ва уни рўёбга чиқариш учун кураш тўғрисида гапирмидик ёки гапирмасмидик, айтиш қийин. Демократия, ошкоралик, янгича фикрлаш бизга барча ҳаётий муҳим масалалар юзасидан очиқ гапиришга имкон берди.

Мен кекса ветеранлар муаммолари хусусида тўхталмоқчиман. Адолат юзасидан таъкидлаш зарурки, қайта қуриш йилларида давлат, Коммунистик партия кишилар бу авлоди турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан бир қанча амалий тадбирларни рўёбга чиқардилар. СССР Министрлар Совети турли даврларда қабул қилган қарорлар ишларнинг аҳволини тўғри акс эттиради ва дастлабки пайтларда ўз ижобий таъсирини ўтказди. Мамлакатимизда деярли 60 миллион пенсионер бор, уларнинг 1,5 миллиони бизнинг Москва областимизда яшайди. Бу кишилар орасида ёлғизлар ҳам, меҳнатга лаёқатли аъзолари бўлмаган оилалар ҳам бор. Шу сабабли, нотиқнинг фикрига қараганда, пенсиялар тўғрисидаги Қонунининг босқичма-босқич жорий этилиши пенсия ёшидаги кишилар таъминоти муаммосини ҳал этмайди. У барча камбағал, ёлғиз, кексайиб қолган кишиларга эътиборни кучайтиришга қаратилган таклиф киритди.

Биз тобора кўпроқ гапира бошлаган меҳр-мурувват ҳаётимизнинг қоидаси бўлиши керак, деб сўзида давом этди нотиқ. Раҳмсиз кишининг одамлар орасида ишлашига йўл қўйиб бўлмайди. Ёлғиз ва кексайиб қолган кишиларга ғамхўрлик давлат, жамоат ташкилотлари, маҳаллий идораларнинг диққат-марказида бўлиши лозим. Ветеран Россия Федерациясида беш йилликнинг тўрт йили мобайнида маҳаллий Советлар қариялар ва ногиронлар учун уйлар қуришга сарфлаш назарда тутилган маблағдан 400 миллион сўмини бошқа мақсадлар учун сарфланганини эслатиб ўтди.

Пенсионер-ветеранлар армияси катта, биз сиз билан ҳуқуқий давлатни тузиш устида иш олиб борямиз, шу боисдан уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар ветеранларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тўғрисида қонун бўлиши керак, деб ҳисоблайди нотиқ. Мамлакат миқёсларини ҳисобга олиб, пенсионерлар тўғрисида давлат программаси ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши, одамларнинг шу тоифаси билан шуғулланадиган давлат идораси тузилиши керак.

Нотиқ нутқини тугатар экан, мамлакат Президентидан: уруш йилларида корхоналарда, халқ хўжалигида ишлаган, лекин «1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланмаган меҳнат ветеранларига имтиёзлар бериш тўғрисидаги масалани ҳал этишни тегишли идораларга топширишни илтимос қилди.

Сўз Уруш ва меҳнат ветеранлари Латвия республика кенгашининг раиси **В. М. Крумин**га берилади. У 1967—1985 йилларда Латвия ташқи ишлар министри, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

Вақт 45-йилдаги Ғалабани биздан тобора олислаштирмоқда ва шундай кун келиши муқаррарки, байрам бизсиз, Улуғ Ватан Урушининг қатнашчиларисиз ўтадиган бўлади, деди у. Хотира қолади. Фронт ва фронт ичкарисининг маълум ва номаълум қаҳрамонлари тўғрисидаги хотира қолади. Ана шу улуғ байрамнинг анъаналари халқ дилида сақланиб қолиши ва ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишда мустаҳкам ўрин олиши учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қилиш сиз билан бизнинг муқаддас вазифамиздир. Ҳалок бўлган жанговар ўртоқларимизнинг номини абадиятга муҳрлаб қўйиш учун Ғалабанинг 50 йиллигигача «Хотира китоби» яратиш, қидирув ишларини давом эттириш бизнинг бурчимиздир. Ветеран — бу абадий мавзудир. Шу ҳам батамом аёнки, агар ҳокимият билан ветеран ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва манфаатдорлик бўлмаса, ҳамкорлик соҳасида бирор бир муваффақиятга сира умид боғлаб бўлмайди. Бир-бирига пешвоз чиқиш учун ҳамиша асос бор, ҳатто пенсионерларни ҳоли-бақудрат меҳнатга жалб этишдек ҳозир мушкул бўлиб турган ишда ҳам ана шундай асос бор.

Латвияда қуйидаги қонуният кўзга ташланмоқда, деб таъкидлади нотиқ: ҳокимият тепасига ажрамачи кучлар келган жойларда амалдаги қонунлар инкор қилинмоқда, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун белгиланган имтиёзлар бекор қилинмоқда, уларнинг ҳуқуқлари камситилмоқда, Қуролли Кучларга қарши, армия ветеранларига қарши очиқдан-очиқ заҳарханда лик билан кампания олиб борилмоқда. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига имтиёзлар беришга тааллуқли амалдаги қонунларнинг қатъий бажаралишига маҳаллий ҳокимиятларни мажбур этиш — жойларда биз қиладиган иш ана шундан иборат.

Аммо мамлакатнинг олий ваколатига киритиш лозим бўлган масалалар ҳам бор. Қуролли Кучларнинг бошлиқлари состави ва ветеранларнинг ижтимоий маиший турмуши ҳозир жуда ачинарли экани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозир тайёрланаётган Қонун ана шу энг муҳим ҳаётий масалани ҳал этиши керак, албатта. Бизнинг ветеранларимиз ана шу ҳаётий муаммо хусусида жўяли таклифлар тақдим этишга тайёрдирлар. Ветеранларнинг ташкилоти, аввало, биз учун зарур ва биз унинг ишини фаоллаштиришимиз керак. Бундан буён ҳам вақти-вақти билан олий даражада учрашиб туришимиз фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Ветеран Латвиядаги бугунги вазиятга тўхталиб қуйидагиларни таъкидлади: ажрамачиларнинг етакчилари турмуш шароитларининг ёмонлашгани муносабати билан аҳоли ташвишга тушиб норози бўлаётганидан фойдаландилар. Социализмга қарши қарашларга сиғинаётган ана шу етакчиларнинг аниқ мўлжал олиб, ёппасига қилган ҳаракатлари аҳолининг сиёсий сабабдан ажралиб кетишига олиб келди. Ана шундай шароитда янги чақириқ Латвия ССР Олий Советининг сессияси илгари эълон қилинган кун тартибига қўшимча тарзда, жиддий муҳокама қилмай овозларнинг бирозгина кўпчилиги билан 4 май куни «Мустақиллик тўғрисида Декларация» қабул қилди.

Барқарор, яшашга қодир бўлган иқтисодиётсиз сиёсий мустақиллик, суверенитет — қуруқ гаплар, гўл одамлар учун қопқондир. Республикамиз иқтисодиётининг ҳақиқий аҳволи ҳозир шундайки, СССР билан алоқаларни дарҳол узиб ташлаш йўли бош берк кўчага олиб борадиган йўлдир, бебошлик йўлидир. Ҳисоб-китоблар шундан далолат бериб турибди, бизга эса ҳаёт чипта ковуш кийиб, қора чироқ ёқсак ҳам озод бўлайлик, деб уқтиришга уринишмоқда. Хўш, нимадан озод бўлишимиз керак? Жавоб битта — келажакдан, одамларнинг тақдири учун жавобгарликдан озод бўлиб, ўз нафсониятини қондириш учун шундай қилиш керак. Улуғ Ватан урушининг ветеранлари ва кўпгина меҳнат ветеранларининг фикрича, ҳозир таркиб топган амалдаги шароитларда республикамизнинг тўлақонли ривожланишдан ташқари бошқа оқилона йўл йўқ, жумҳуриятимиз республикаларнинг батамом янги бирлашмаси таркибида, тенг ҳуқуқли иттифоқ шартномаси негизида барча соғлом кучларни аниқ-равшан иқтисодий вазифаларни ҳал этиш, янги иқтисодий муносабатларни жорий этиш учун, янгича иқтисодий ва сиёсий фикрлашдан фойдаланиб жипслаштириш асосида тўлақонли ривожланиши лозим.

Мамлакатимиз, шу жумладан республикамиздаги бузғунчи кучлар Сталин устидан бўлган ҳаққоний, адолатли судни Ленин устидан судга айлантирмоқдалар. Ана шу жирканч ишда гўллик билан янглишишлар йўқ, деб таъкидлади нотиқ. Республикамизда, деб таъкидлади у, ленинизм ҳақида тасаввури ҳам бўлмаган, аммо ўзига бино қўйган нодонлар шундай қилмоқдалар. Аммо бу нопок ишга даражаси, унвони, дурустгина мансаби бўлган, ўтмиш замонлардан нимаики олишнинг имкони бўлса ҳаммасини олган кишилар ҳам қўшилдилар. Эндиликда улар сўлларга ҳам, ўнгларга ҳам ҳушомод қилиб, улардан ҳам навбатдаги неъматларни олишга умид боғламоқдалар. Ветеранлар бундай арбобларни топқирлик билан риёкорлар деб атамоқдалар. Буларнинг реакцион, илмийнома моҳияти фош этилиши керак. Нотиқнинг фикрича, шу муносабат билан тарғибот-ташвиқот ишидан ақидапарастлик, қироатхонлик, кўчирмачиликни таг-томири билан йўқотиш партия мафкура муассасаларининг энг муҳим вазифасидир.

Улуғ Ватан урушида қатнашган аёллар номидан Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ғалаба парадининг қатнашчиси **М. И. Долина** Президентга, ҳукуматга мурожаат этди. У қабул қилинган тадбирлар учун миннатдорчилик билдирди, мазкур тадбирлар урушда қатнашган хотин-қизларнинг турмушини бир қадар енгиллаштирди. Нотиқ аёллар ҳақида ғамхўрлик қилинаётгани учун миннатдор эканлигини айтди.

Ғалабага сира осонлик билан эришганимиз йўқ. Ҳали қор тагида ва ботқоқликларда кўпгина номаълум аскарларнинг хоки-пойи бор. Ҳозирча биз ҳаёт эканмиз, келажагимиз бўлган ёш авлод билан ҳарбий ватанпарварлик ишини олиб бораётган эканмиз номаълум аскарлар бўлмаслиги учун қўлимиздан келган барча ишларни қилишимиз керак. Аскар жанг қилган, Ватанни ҳимоя этиб жонини фидо қилган бўлсаю тўсатдан номаълум, ном-нишонсиз аскарга айланиб қолса — бу ҳақоратомуз гап эмасми?

Икки моторли «Петляков—2» бомбардимончи самолётлари 125-полкининг эскадрильяси собиқ командири уруш йиллари звенога бош бўлиб учувчи аёлларни ҳужумга олиб борган эди; бу полк бутун уруш мобайнида маҳфий тарзда жанг қилди, чунки бундай машиналарда аёллар бутун жаҳон бўйича ҳали ҳеч қачон учишмаган эди. М. И. Долина Ғалабанинг 45 йиллиги арафасида ўз полки ҳақида ошкора гапиришга қарор қилди. Ватаннинг биринчи қаҳрамон аёли бўлган Марина Раскова, деди у, — бизнинг тарбиячимиз эди, у Ватан учун жангларда қатнашган учта полкни тайёрлаган эди. Ҳарбий учувчи аёллардан етишиб чиққан 28 нафар Совет Иттифоқи Қаҳрамони, менинг 27 нафар жанговар дугоналарим ер юзида оби ҳаёт чашмаси абадий жилваланиб туриши учун жонларини фидо этиб ҳамиша барҳаёт бўлиб қолдилар.

Собиқ учувчи аёл Киевдаги ярим миллион нафар армия ветеранлари номидан бундай деди: кўп иш қилинди, аммо ветеранлар умрининг сўнгги йиллари ҳаловатли бўлиши учун ҳали яна кўп иш қилиш, жумладан пенсия ҳақидаги масалани тезроқ ҳал этиш керак.

«Уралмаш» заводида 50 йилдан буён темирчи бўлиб ишлаётган **П. Л. Олейников** фронт ичкариси меҳнаткашлари номидан учрашув қатнашчиларини қутлади.

«Уралмаш» аҳли Ғалаба учун, сиз фронтчилар учун қурол-аслаҳа тайёрлаш билан бирга кадрлар ҳам етиштирди, деди кекса ишчи. Бизнинг коллективимиз бундан буён ҳам мамлакат учун зарур бўлган барча ишларни қилаверади. Чунки, Максим Горький айтганидек, «Уралмаш» заводларнинг «отахонидир».

Собиқ партизан, истеъфодаги полковник, Витебск область ветеранлар кенгаши раисининг ўринбосари **С. М. Шабашов** уруш ва меҳнат ветеранлари қўшма полки иштирокида Қизил майдонда бўлажак парад совет халқининг ўлмас жасоратига ҳурмат-эҳтиром рамзидир, деб таъкидлади. Нотиқнинг фикрича, парад социалистик йўлни танлаб олган совет кишилари барча авлодларининг жипслашувига хизмат қилади. Ветеранлар ҳақида гапирадиган бўлсак, деди нотиқ, биз шу йўлни танлаб олганимизни урушнинг суронли йилларида тасдиқладик ва биз бу йўлга ҳамиша содиқ бўлиб қоламиз.

Ленин партияси раҳбарлигида инқилобни амалга оширган ва жаҳонда биринчи социалистик давлатни бунёд этиш учун жон куйдириб ишлаган халқни биз тарихнинг чинакам ижодкори деб ҳисоблаймиз. Халқ жуда қимматбаҳо тажриба тўплади. Бу тажрибани менсимаслик гуноҳдир, бу тажрибани қоралаш ва бадном этишга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Тарих ҳақиқатни ва фақат ҳақиқатни талаб этмоқда.

«Огонёк» журнали, «Литературная газетаси», бошқа бир қанча нашрлар саҳифаларида, радио ва телевидение кўпинча уруш ҳамда меҳнат ветеранларини қайта қуриш ишига халал бераётган тузатиб бўлмайдиган консерваторлар, сталинчилар деб камситишаётганидан кўнглимиз озор чекмоқда. Биз ўртоқ Коротичга, учрашайлик деб илтимос қилган эдик, лекин унинг юраги дов бермади. Биз унга, ҳа, биз мамлакатимизда капитализмни қайта тиклашга, миллий нифоқни авж олдиришга, социалистик республикалар иттифоқини барбод этишга қаратилган «қайта қуриш»га умр бўйи халал бериб келдик, деб айтмоқчи эдик.

Биз, деб таъкидлади ветеран, кўпгина оммавий ахборот воситалари, адабий нашрлар, театр ва кино жуда кўп йиллардан буён «реалсоциализм» ва содиқ «ленинчилар»га ҳамду сано ўқиганидан кейин бирданига бу юмушдан юз ўгириб замонавий капитализмни осмонга чиқариб мақташга, партия ва совет халқининг бутун тарихини бадном этиш ва қоралашга киришганларига лоқайд қараб тура олмаймиз. Аҳолининг муайян қисми, айниқса сиёсатда кўзи пишмаган ёшлар ўртасида социализм имкониятига ишончга жиддий тарзда путур етди, ватанпарварлик, байналмилалчилик тушунчалари гўё эскириб қолгандек ва керак эмасдек туюлмоқда, биз ветеранларга нисбатан ишончсизлик, ҳурматсизлик кучаймоқда. Ёшлар ўртасида сиёсий бефарқлик, Совет Армиясида хизмат қилишдан бош тортиш, худбинлик, миллатчилик урф бўлиб қолмоқда, юлғичлик ва жиноятчилик кўпаймоқда. Кўпгина нашрлар, шу жумладан партия матбуотининг тутаётган йўлини, КПСС Марказий Комитети мафкуравий бўлинмаларининг хотиржамлиги ва ҳардамхаёллигига тушуниб бўлмай қолди.

Нотиқнинг фикрича, турғунлик даври бир қолипда далил-исботсиз танқид қилинмоқда. Дарҳақиқат, деб таъкидлади у, шарти кетиб парти қолган раҳбарлар бошчилик қилган мамлакат марказидаги раҳбарият доираларида турғунлик авж олган эди. Айни вақтда ўша даврда мамлакатдаги кўпчилик минтақалар, жумладан Белоруссия меҳнаткашлари ҳам соҳта эмас, балки амалда яхши натижаларни қўлга киритган эдилар. Нотиқнинг фикрича, мамлакат иқтисодий аҳволи ёмонлашиб бораётганлигининг сабаби митингбозлик даврининг чўзилиб кетганидадир. Ташкилотчилик иши ва назорат шу даражада бўшашиб кетдики, илгари ҳеч қачон бундай бўлмаган эди, деб уқтирди, нотиқ. Давлат, план ва меҳнат интизоми анча сусайди. Кўпгина қабул қилинаётган қонунлар ва ҳукумат қарорлари, шу жумладан ветеранлар турмушини яхшилаш тўғрисидаги анчагина қарорлар ҳам фақат яхши ният бўлиб қолгида қолиб кетмоқда.

Интизом ва ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамланмаса, деб таъкидлади нотиқ, бозор иқтисодиётига ўтиш ҳам кўзланган муваффақиятга олиб келмайди. Ҳозирги вазият оммавий митинглар, узоқ давом этадиган мажлислар ва батафсил қарорларни эмас, балки тезроқ, кичикроқ бўлса ҳам амалий муваффақиятни талаб қилмоқда.

Биз Совет ҳокимияти эндигина тикланаётган дастлабки йилларда туғилганмиз, биз ўз тақдиримиз билан фахрланамиз. Орамиздаги аксарият кишилар Октябрь тенгдошларидир, улар совет мамлакати билан биргаликда камол топдилар, бизнинг таржимаи ҳолимиз — социалистик Ватаннинг таржимаи ҳолидир, деб таъкидлади Уруш ва меҳнат ветеранлари Қирғизистон республика кенгашининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, истеъфодаги генерал-лейтенант **К. Усенбеков**. Шу кунларда Москвада эканмиз, олис 41-йилнинг хотирадан ўчмас кунлари ёдимизга тушмоқда, ўша пайтларда биз ёш эдик, комсомол эдик, ҳарбий комиссариатларга бориб, бизни фронтга жўнатинг, деб талаб қилган эдик. Фашистларнинг таъзирини бериб қўйишга улгурмай қоламиз, чунки уруш тез орада тугайди, деб ўйлар эдик. Уруш эса бошқача, даҳшатли бўлди. Биз, ёш жангчилар, тез улғайдик, қонли уруш майдонларида суягимиз қотди. Биз жону-жаҳонимизни аямадик, социалистик Ватанимизнинг озодлиги ва совет халқининг келажаги учун жонимизни фидо этишга тайёр эдик.

Бугун ҳам биз социалистик Ватанимизни, Октябрь зафарларини ҳимоя қилишга, Ленин партиясининг буюк ишини кўкрак кериб ҳимоя қилишга тайёрмиз.

Мамлакат ветеранлар ташкилоти тузилганига тўрт йил бўлди. Бу ташкилот мамлакат сиёсий системасида ўзига муносиб ўрин эгаллаб, кекса авлод манфаатларининг ҳимоячисига айланди, деб бугун ишонч билан айтиш мумкин. Кекса авлод иззат-ҳурмат қилинмаётган жамиятни нормал, маърифатли жамият, деб ҳисоблаш мумкинми, ахир? Кексалар ҳамон юксак ахлоқ-одоб намунасини кўрсатишмоқда.

Нотиқ миллатлараро муносабатлар масаласини тилга олар экан, Қирғизистонга бошқа республикалардан ножўя мақсадларни кўзлаётган «элчилар» узлуксиз келиб туришганини таъкидлаб ўтди. Уларнинг иғвогарона даъватларига учган Фрунзе шаҳрининг ёшлари шу йил январь ва февраль ойларида ялписига митинглларга чиқишди. Митинглар тобора оммавий тус олди. Экстремистча даъватлар янгради. Вазият кескинлаша бошлади. Ана шундай вазиятда республика раҳбарияти соғлом кучларга таяниб, мазкур ҳаракат бошлиқлари билан мулоқотда зарур йўлни топди ва вазиятни бошқара билди. Биз четда турганимиз йўқ, февраль ойининг бошларида Фрунзе шаҳар партия комитети ҳузурида «Бирлик» деб аталган ветеранларнинг катта гуруҳини туздик, деб эслатиб ўтди нотиқ. Бу гуруҳга ҳам қирғиз, ҳам бошқа миллатларга мансуб партия, уруш ва меҳнат ветеранларининг жуда обрўли намояндалари кирдилар ва дарҳол халққа вужудга келган вазиятни тушунтира бошладилар. Митинглларнинг раҳбарлари билан ҳам алоқа боғладик. Бундай усуллар билан мураккаб масалаларни ҳал этиб бўлмайди, деб уларни ишонтирдик.

Эндиликда бизнинг гуруҳимизга норасмий ҳаракатларнинг вакиллари, республика ЛКСМ Марказий Комитети ҳам қўшилди. Ҳозир республикадаги вазият кўнгилдагидек бўлиб турибди, аммо биз ҳамиша сергакмиз, деди ветеран.

Шундай қилиб, ветеранлар Совет давлати ва Ленин партиясининг ишончли мададкори, қудратли куч бўлиб турибдилар. Жамиятни жипслаштириш ва янгилаш манфаатларини кўзлаб бу кучдан фаолроқ фойдаланиш мумкин бўлур эди, деб ўйлайман.

Яна бир масала хусусида айтиб ўтмоқчи эдим, деб сўзини давом эттирди ветеран. Бу ўринда гап халқ депутатлари Советларида ветеранларнинг вакиллари тўғрисида бормоқда. Фақат Белоруссия ва Қозоғистондагина кексаларга иззат-икром кўрсатиб, ветеранлар ташкилотидан халқ депутатлари сайлашдек қонуний ҳуқуқ амал қилмоқда. Бунга қарши чиққан кишиларнинг даъвоси бундай бўлди: депутатликка ҳар бир номзод тенг шароитда Советларга сайланиш ҳуқуқи учун курашсин. Бунга эътироз билдириб бўлмайди. Айни вақтда сайлов натижалари шундан далолат бериб турибдики, айрим кишилар партия ва совет аппаратини танқид қилиш эвазига мандат олдилар. Ҳозир бошимиздан кечаётган қийинчиликлар шароитида кишилар бундан фойдаланиб қолишди. Оқибатда бизнинг республикамизда Олий Совет ва область Советлари таркибига ветеранлар ташкилотининг бирорта ҳам вакили сайланмади. Ҳолбуки, ҳар тўрт сайловчининг бири ветерандир.

Совет халқи жуда катта талафотлар кўриб Германия фашизмини тор-мор этди. Мана энди, орадан 45 йил ўтганидан кейин мамлакатимиздаги айрим кишилар Мавзолейдан Ленин жасадини чиқариб ташлашни, умуман унинг барча портретлари, ҳайкалларини олиб қўйишни, КПССни тарқатиб юборишни талаб қилмоқдалар, коммунистларга таҳдид қиляптилар. Бу кишилар кўчадаги безорилар ва бангилар эмас, балки анчагина илмли, баъзан эса юксак лавозимларни эгаллаб турган одамлардир, улар социалистик тузумга, Коммунистик партияга қарши очиқ-ойдин, андишасизлик билан ҳаракат қилмоқдалар. СССР Конституцияси ва социалистик тузумга қарши бўлган партиялар ва ташкилотлар тузишни Қонун йўли билан тақиқлаб қўйиш керак, деб таклиф қилди нотиқ.

Сўз СССР халқ артисти **Л. Г. Зикина**га берилади.

Бутун уруш мобайнида артистлар аскарлар билан бирга бўлишди, ҳеч нарсадан қўрқишмади, чунки уларни комсомол ва партия она юртни, халқни, ота-оналаримиз инъом этган ҳаётни ҳимоя қилиш руҳида тарбиялашган эди, деди у. Мен мамлакатимизнинг кўп жойларида, чет элларда бўлганман. Ҳамма ерда шуни сездимки, агар улуғ армиямиз бўлмаганида, агар мардонавор халқимиз бўлмаганида, бизни ҳозиргидек иззат-икром қилишмаган ва биз билан ҳозиргидек гаплашмаган бўлур эдилар. Армияни ҳам сақлаш ва асраш керак, дейишмоқда менга ҳамма ерда. Сизга, Михаил Сергеевич, ҳукуматга қуйидаги гапни етказиб қўйишни сўрашди: халқимиз мардонавор, сабот-матонатли, ўзингиз ҳам буни яхши биласиз. Чунки мамлакат бўйлаб сафар қилиб турасиз: эндиликда тергаб қўйиш пайти келди.

Эсимда, бола эдим, 1 Май намойишига чиқишга тайёргарлик кўрар эдим. Намойиш биз учун байрам эди. Тантанага келган кишилар ўз камолоти—гўзаллигини ҳам, ўз меҳнати, ўз маҳоратини ҳам кўрсатишни истар эди. Биз куни-кеча нималарни кўрдик денг: жамиятимизни бўлиб ташлашни, биз қўлга киритган барча зафарларни чиппакка чиқаришни, маданиятимизни чил-парчин қилишни истаётган кишиларда ор-номус борми ўзи? Маданиятимиз бўлмаслиги, уруш йиллари биз тўқиган ажойиб қўшиқлар бўлмаслиги кимгадир зарур бўлиб қолибди. Бир эсланг-а: биз оч-юпун эдик, қуролсиз бўлсак ҳам қўшиқ билан олға интилдик. Шу боисдан ҳам бардош бердик ва ғалаба қозондик.

Ҳозир-чи? Ойнаи жаҳондаги кўрсатувга назарингиз тушиб қолса: бўш вақтимизда борадиган жойимиз йўқ, қиладиган ишимиз йўқ, деган гапларни эшитиб уялиб кетасан, киши. Ихтиёримизда ажойиб қутубхоналар, институтлар, мактаблар, маданият саройлари бўлсаю, наҳотки бизнинг борадиган жойимиз, қиладиган ишимиз бўлмаса? Одамлар вайсақи бўлиб қолишди чоғи, деди нотиқ.

Хўш, қайта қуришнинг ўзи нима? Бу, аввало меҳнатдир, биз эса меҳнатга бўйин эгмай қўйдик. Заводлар ва фабрикаларга бориб, цехга кирсангиз одамлар бамайлихотир ўтириб олишган, гаплашишмайди ҳам. Нега бундай? Чунки кўпроқ иш ҳақи беришларини кутишяпти. Ахир, биз меҳнат учун ҳақ тўлашимиз керакку, биз эса меҳнатга уқувсиз бўлиб қолганмиз.

**Л. Г. Зикина** жангчилар ҳамда уруш ва меҳнат ветеранларига маданий хизмат кўрсатиш комиссиясининг раиси сифатида бу соҳада кўп иш қилинганини таъкидлади. Биз госпиталларга бориб хизмат қиляпмиз ва у ердаги интизомни ҳам, муносабатларни ҳам йўлга қўяяпмиз. Лекин кўпинча қари-қартангларнинг тўкилай деб турган уйларига боришга тўғри келмоқда. Ҳамонки аҳвол шундай экан, аввало ҳокимиятнинг маҳаллий органларидан талаб қилиш лозим бўлади.

Байналмилалчи жангчилар, запасга бўшатилган жангчилар ҳамда мудофаа-ватанпарварлик бирлашмалари кенгашлари Бутуниттифоқ уюшмаси раисининг ўринбосари **С. Морозов** қуйидагиларни таъкидлади: эски идеаллар барбод бўлган ва ҳали янгилари бунёд этилмаган ҳозирги жўшқин даврда ўзини ўтга-чўғга ураётган, етарлича ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларни қайси кучлар эргаштириб кетиши муҳимдир. Миллатлараро тўқнашувлар, армияга ҳуружнинг кучайиши, жиноятчиликнинг ўсиши — буларнинг ҳаммаси маънавий маданият пастлигининг далилидир. Миллатчиликни ватанпарварлик деб жуда жўн тушунишга нимани қарама-қарши қилиб қўйиш мумкин. Мамлакатимизда, деб бу саволга жавоб берди нотиқ, бир қанча жамоат ҳаракатлари ва ташкилотлари бор. Улар ёшларнинг ватанпарварлик тарбияси билан машғулдирлар. Байналмилалчи жангчилар, запасдаги жангчилар ҳамда мудофаа-ватанпарварлик бирлашмаларининг Бутуниттифоқ уюшмаси, ёш армиячилар ҳаракати, қидирув отрядлари ҳаракати ва бошқалар шулар жумласидандир. Бокуда, Ереванда, Душанбе ва Тбилисида содир бўлган воқеалар тимсолида биз улар фаолиятининг натижаларини илғаб олишимиз мумкин. Байналмилалчи жангчилар бу ерларда душманлик қилаётган гуруҳлар ўртасига тушдилар ва қон тўкилишининг олдини олдилар. Нотиқ ўзи тилга олган байналмилалчи жангчилар ҳаракатлари ишидаги қийинчиликлар сабаблари орасида норматив ҳужжатларнинг йўқлигини, моддий базанинг заифлигини, ёшларни ватанпарварлик, байналмилалчилик, ўз гражданлик бурчини адо этишга тайёр туриш руҳида тарбиялашнинг аҳамияти етарлича уқиб олинмаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Нотиқ, ёшларнинг турлича ишлаб чиқариш бирлашмаларига даҳлдор бўлган (бу бирлашмалар ёшларнинг ватанпарварлик ва байналмилалчилик ҳаракатларини маблағ билан таъминлашга катта ҳисса қўшмоқдалар) солиқ солиш тўғрисидаги Қонуннинг айрим қоидалари хусусида ташвишга тушаётганини айтди. Бундай корхоналарга имтиёзли солиқ солиш имкониятини кўриб чиқиш лозим, деб уқтирди у.

Биз ҳузурингизга, ана шу муҳим учрашувга ягона совет оиласидаги қардошлар сифатида келдик, деди Уруш ветеранлари Совет комитети Вильнюс секциясининг раиси **К. К. Гаурилюс**. Бизнинг бу қардошлигимиз, деб таъкидлади у, Улуғ Октябрнинг тарихий кунларида, Гражданлар уруши йилларида, ўзларининг коммунистик маслаклари учун минг-минглаб инқилобчилар азоб-уқубат чекиб ётган буржуа Литвасининг турмаларида туғилгандир. Бизнинг қардошлигимиз Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида мустаҳкамланди ва тобланди, ўша кезлар бошқа совет халқларининг жангчилари қатори биз, фронтчилар, Совет Литвасининг партизанлари гитлерчилар ва уларнинг маҳаллий гумашталарига қарши курашиб, Орёл, Белоруссия заминини, жонажон ўлкамиз ва қўшни Латвия ҳудудини фашист жаллодлардан озод этдик.

Ҳозир эса, деб сўзини давом эттирди ветеран, ана шу урушнинг собиқ иштирокчилари ўз она юртларида ўз Ватанларининг ватанпарвари, она юртларини фашист зулмидан халос этган кишилар бўлмай қолдилар; бизни босқинчилар, деб аташмоқда, бизнинг жанговар мукофотларимизни мазах қилишмоқда. Республикада совет тузуми, совет турмуш тарзи батамом барбод қилинмоқда. Ҳокимият тепасига келган «Саюдис»чиларнинг кўпчиллиги Улуғ Ватан уруши йилларида гитлерчиларга гумашталик қилганларнинг меросхўри ёки ўша кезлар ўрмонда қароқчилик қилганларнинг ворисларидир, деб уқтирди нотиқ. Нотиқнинг фикрича, «Саюдис» раҳбари, республика Олий Совети Президиумининг ҳозирги раиси Ландсбергиснинг отаси Улуғ Ватан уруши йилларида Литвадаги бошқа сотқинлар қатори Литвани «большевиклар зулми»дан озод қилгани учун Гитлерга миннатдорчилик хатига имзо чекканлиги шундан ёққол далолат бериб турибди. Шундан кейин нотиқ республикадаги бугунги вазият ва унинг сабаблари хусусида батафсил тўхталди, у жумладан ўз фикрини айтиб, қуйидагиларни таъкидлади: фожиа рўй берганлиги учун асосий жавобгарлик Литва Компартияси Марказий Комитетининг раҳбарлари, биринчи галда А. Бразаускас зиммасига тушади. Совет Иттифоқи ватанпарварларига дўқ-пўписа қилиш ва уларни бадном этиш йўли билан, деб уқтирди нотиқ, «Саюдис» раҳбарлари Литванинг ССР Иттифоқи таркибида қолиши позицияларида турган кишиларнинг сиёсий фаоллигини бўғишга муваффақ бўлдилар. Айни вақтда, деб таъкилади у, нефть, газ ва бошқа муҳим хом ашёлар етказиб беришнинг чеклаб қўйилганлиги Литвадаги кўпчилик кишиларни СССРга ўз қарашларини қайта кўриб чиқишга мажбур этди. Кўп кишилар шуни уқиб олдиларки, Литва Россияни боқаётгани йўқ, балки Россия, бошқа иттифоқдош республикалар Литва билан ўз бойликларини баҳам кўришяпти, баҳам кўрганда ҳам қардошларча, беғараз баҳам кўришяпти.

Меҳнаткаш халқ ва айниқса Совет Иттифоқи билан ўз ҳаётини пайванд этган кишилар СССР халқлари ўртасидаги байналмилалчилик ва қардошлик принципларини қўллаб-қувватламоқдалар, мамлакатнинг марказий идоралари республикамизнинг социалистик зафарларини асраб қолиш учун фаол чоралар кўришларини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Нотиқ Литвада Совет ҳокимиятини сақлаб қолишнинг муҳимлигини тушунтириш юзасидан ветеранларнинг Литва республика кенгаши фаолияти тўғрисида, жумладан ҳозир Литва ва рус тилларида чиқадиган кундалик ветеранлар газетаси бошидан кечираётган қийинчиликлар ҳақида сўзлади. Бу газета ҳозир республикада байналмилалчи ватанпарварларнинг, кекса авлодга мансуб бўлган кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилаётган, буржуа миллатчиларининг асири бўлиб қолган кишилар билан мулоқот олиб бораётган деярли бирдан-бир газетадир. Ветеран ўз нутқининг ниҳоясида Советларга қарши бўлган унсурларнинг Литвадаги бебошлиги узоқ давом этмайди, республикада Совет ҳокимияти сақлаб қолинади ва тикланади ҳамда Литва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи қардошлик оиласида яшайди ва меҳнат қила олади, деб умид билдирди.

Пенсионерлар, уруш ва меҳнат ветеранлари меҳнат фаолияти комиссиясининг раиси **Н. А. Горбунова** пенсионерларнинг иш билан таъминланиши масаласига тўхталди. Пенсия ё

# СИЗЛАРГА ТАЪЗИМ, ҒАЛАБА АСКАРЛАРИ!

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Совет уруш ветеранлари комитети Одесса секцияси ва қаҳрамон шаҳарнинг «Олтин Юлдуз» клуби номидан секция президиумининг аъзоси **П. И. Державин** сўз олди. Унинг ўртоқлари партия, ҳукумат раҳбарларига ветеранлар Коммунистик партиямизнинг бирлиги учун, инсонпарвар социалистик жамият учун, партия сафларини принципиал асосда жипслаштириш учун кураш олиб боришга қатъий ва астойдил бел боғлаганликларини изҳор қилаётганликларини айтишни топширганлар. Бизни ажратишга — ёшларни кексалардан, русларни эстонлардан, арманларни озарбайжонлардан айириб қўйишга ва ҳаммасини бараварига тарихимизга ҳужум қилишига интилаётганликлари ҳаммаининг ҳафсаласини пир қилаётган сабаблардан биридир, деб ҳисоблайди нотиқ. Наҳотки, тарихни қайтадан ўзгартириб бўлса. Тарих — бамисоли Ватан, бамисоли отаонадир: улар ўзларига яраша ҳаёт кечирганлар, улар ҳақида биз, айниқса ўша пайтда дунёга келмаган кишилар ҳукм чиқара олмаймиз. Ҳар қандай оқил мураббий тарих асосида таълим беради, ўз халқи, республикаси, шаҳри, оиласи учун фахрланиш руҳида тарбиялайди. Хўш, бизда нималар бўляпти? Публицистлар ўтмишни ким эпчилроқ тепкилайди, ким ўткирроқ гап айтади, деган қабилда мусобақалашмоқдалар. Ветеран ўз сўзини биз жанглар алангасида бирга ёндик, биз бурқсиганимиз йўқ, модомики биз шу кулфатларнинг ҳаммасини енгар эканмиз, қайта қуришнинг ҳам уддасидан чиқамиз, деган маънодаги шеърий сатрлар билан тугатди.

Шеърхонликни Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофотининг лауреати, барнауллик танк-моторлари конструктори **Б. Г. Егоров** давом эттириб, уруш даврида бирга ишлаган ўртоқларга ва «Трансмаш» мотор заводига бағишланган ҳаётий шеърларни ўқиб берди.

У ўзи ўқиган шеърларни шарҳлаб, уруш даврида завод 10 мингта дизель ишлаб чиқарганини айтди, бунинг маъноси шуки, Т—34 танкларининг ҳар 5 тасидан 1 таси шу заводда ишлаб чиқарилган мотор билан таъминланган эди. Кейинчалик эса, ташаббускорлар мамлакатни урушдан кейин юксалтириш учун «Олтой» дизеллар туркумини яратдилар. Бу ҳарбий саноатни тинчлик изига ўтказиш йўлидаги биринчи тажриба эди.

Парадда Барнаул заводининг моторлари билан юрадиган машиналар ўтади. Аммо замон ўзгармоқда. Шу сабабли конструктор заводни ҳарбий соҳадан тинчлик соҳасига ўтказиш хусусидаги таклифини айтишга тайёр эканини билдирди. Бу — заводнинг ўзи ва ҳатто министрлик ҳал этадиган масала эмас, уни юқори давлат поғонасидагина тўғри ҳал қилиш мумкин. Бу соҳада мураккаб техникавий-сиёсий ва ташкилий масалалар бор, яқин жаҳондаги даражадан устун турадиган дизелларни яратиш бемалол мумкин. Биз шу вазифани ҳал этиш учун кучимизни аямаймиз.

Уруш даврида халқлар дўстлиги бизнинг миллий ифтихоримиз эди. Шунинг учун ҳам биз душманни енгдик, деди жамбуллик уруш ва меҳнат ветерани **М. К. Керембаев**. 1942 йилда Сталинград остонасида жанглар давом этаётган пайтда менинг полкимда 23 миллатга мансуб жангчилар бор эди.

Июль ойида мен Коммунистик партия сафига кирган эдим ва ҳозир шу билан фахрланаман, деди собиқ жангчи. Менинг нишонларимни кўриб турибсизлар. Аммо биз бу нишонлар учун эмас, партия учун, Ватан учун жанг қилган эдик. Биз душманни енгдик. Мен Белоруссиядаги, Қрим, Латвия, Литва, Эстониядаги жангларда қатнашганман. Биз у ерда қон тўккан эдик. Хўш, нега энди ўша жойларда ғайрисоциалистик кучлар томир ёйишига йўл қўйиб берямиз.

СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали **Д. Т. Язов**га сўз берилади. У Улуғ Ғалабанинг 45 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилганликлари учун СССР Президенти, мамлакат Олий Совети ва ҳукуматига астойдил миннатдорчилиқ изҳор этди.

Урушдан кейин дарҳол капитализм билан социализм ўртасидаги мафкуравий курашда Ғалабамиз марказий ўринни олди, деди сўзини давом эттириб маршал, кўп кишилар ҳақиқий сабабларини аниқлаш ўрнига, нега биз Ғалаба қозондик, деган сабабларни излай бошладилар. Коммунистик партия сиёсатига садоқат, халқ дилидаги садоқат, совет халқининг бирлиги — мана шундай ҳақиқий сабаблар эди, бизнинг ижтимоий ва давлат тузумимиз Ғалабанинг ҳақиқий сабаблари эди. Баъзи кимсалар немислар йўлига мурдаларни қалаштириб ташлаганимиз учун Ғалаба қозондик, деган гапни ўйлаб чиқара бошладилар. Биз ҳаммаси бўлиб 29 миллион кишини урушга чақирдик, 3 миллион 200 минг киши халқ хўжалигида ишлаш учун чақирилди. Урушдан кейин дарҳол армия сафидан бўшатилган 9 миллион 700 минг киши уйига қайтди, уруш давомида 18 миллион киши жароҳатланди, аммо баъзилари бир неча бор яраланиб, яна сафга қайтдилар. Бинобарин ҳаммаси бўлиб 12 миллион киши жароҳатланган эди. Демак, биз жангда 8 миллион 530 минг кишидан маҳрум бўлдик. Немислар 5,5 миллиондан кўпроқ кишидан маҳрум бўлдилар, уларнинг малайлари бу ҳисобга кирмайди, уларга малайлик қилган мамлакатлар ҳам маҳрум бўлган кишиларни қўшиб ҳисоблаганда, улар томонидан ҳалоқ бўлган кишилар Улуғ Ватан урушида биз маҳрум бўлган кишилар сонига тахминан тенг келади.

Совет халқи асосий талафотни жангда эмас, балки газ камераларида, фашистлар Германиясидаги ер ости ишларида берди, бу жойларда одамларимиз очликдан ўлдилар.

Бизнинг бурчимиз ҳақиқатни тиклашдан иборат. Ҳозир биз Улуғ Ватан урушининг 10 жилдлигини яратяпмиз, мен барчадан 10 жилднинг ҳаммасини ишлаб чиқишда жуда фаол, бевосита қатнашишларини сўрайман, деди мудофаа министри. Ҳозир кўп кишилар: ҳамма нарса ёмон бўлган эди, демоқдалар. Ёмон ишлар кўп бўлди, биз буни яширмаймиз. Бугун биз сталинчилик ҳақида гапирдик, кадрлар қирғин қилингани ҳақида гапирдик. Аммо бундан роталар, батальонлар, полклар, дивизияларни Ғалабага бошлаб борган кадрлар йўқ эди, деган маъно асло келиб чиқмайди. Хўш, буларни Ғалабага ким бошлаб борди? Саводсиз саркардалар, уқувсиз командирларми? Командирлар ҳеч нарсани билмасаю, ҳаммасини фақат солдатгина билса, шундай бўлиши мумкинми, ахир. Биз солдат билан фахрланамиз, бироқ командирларнинг аҳамиятини камсита олмаймиз. Бугун биз фақат Қизил Армия ғалаба қилди, дея олмаймиз. Бутун совет халқи Ғалаба қилди, деб айтамиз.

Ҳозир биз Хотира китобини яратяпмиз. Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган бирон совет кишисини эсдан чиқиб қолмасин деймиз. Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди, деган гап мавҳум шиор, плакат, давъат бўлмаслиги керак, у алоҳида ҳар киши ҳақидаги хотирага айланиши лозим.

Баъзи кишиларнинг: авлодлар ўртасида қандайдир узилиш бор, деган гапига мен қўшилмайман, деди маршал, йўқ, авлодлар ўртасида узилиш йўқ. Баъзи бир қусурлар бор, биз ҳозир шу қусурларни тугатиш учун иш олиб бораяпмиз.

Д. Т. Язов мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларнинг аҳволини яхшилашнинг баъзи масалаларига тўхталди. Улар учун пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонун қайтадан кўриб чиқилмоқда, деди у, ҳозир уйсиз офицерлар кўп. Қўшинларнинг Марказий группасидан, қўшинларнинг Жанубий группасидан офицерларнинг анчагина қисмини олиб келяпмиз. Мамлакат Президентининг кўрсатмасига биноан совет ҳукумати ҳарбий хизматчиларнинг турмушини яхшилашнинг ижтимоий дастури режасини ишлаб чиқди. Бу ишга 3,5 миллиард сўм ажратилган. Биз ҳарбий хизматчиларнинг аҳволини яхшилаш учун барча қурилиш отрядларни, ҳамма куч ва воситаларни ишга соламиз.

Марказий ҳарбий-медицина бошқармасига келганда, биз яқин вақт ичида аввало Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг ногиронлик гуруҳларини кўриб чиқишга киришиш ҳақида фармойиш берамиз.

**М. С. Горбачев** якунловчи нутқ сўзлади.

## М. С. ГОРБАЧЕВнинг ЯКУНЛОВЧИ НУТҚИ

Биз учрашувимизни тугаллаяпмиз, деди у, бу учрашув буюк байрам арафасида — фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 45 йиллиги бўсағасида бўлиб ўтганлигидан биз мамнунмиз, деб умид қиламан. Биз бу ерда кўпгина муҳим фикрларни эшитдик. Ветеранларнинг истаклари ва талаблари нималардан иборат эканлигини сезиб турибмиз. Биз айрим сўзларга қўшилишимиз ёки баъзи бир фикрларга, мулоҳазаларга қўшилмаслигимиз мумкин, бироқ бутун суҳбатимиз жуда муҳим бўлганлиги сабабли уни бутун мамлакат эшитиши керак, деб ўйлайман.

Биз мамлакатнинг тақдири учун, давлатимизнинг келажаги учун ташвиш билан айтилган гапларни тушуниб турибмиз. Шу кунларда бу ташвишли гаплар алоҳида аҳамият касб этаётганини англайман. Мана шу мураккаб, қийин, чигал кунларда биз социализмга янгидан куч-қувват бахш этиш учун жамиятни янгилаш йўлида жуда катта иш қилаяпмиз. Совет кишиларининг барча авлодлари қилган ишларга таяниб, кўп миллатли давлатимиз тараққиётининг кенг йўлига чиқиб олишни кўзлаяпмиз.

Биз мамлакатимизнинг ўзига, халқига, дунёга шу нарса ҳаётий зарурлигини, қайта қуришнинг муваффақияти биз ҳамма иллатларни тугатиб, йўлимизда учраган ҳамма қийинчиликларни бартараф этиб, йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилиб, бундан буён ҳам тинч қайта қуришнинг кафили бўлишимизга боғлиқ эканини тушуниб, халқимизнинг характерини, имкониятларини, унинг социалистик ғояга ва асрлар бўйи меҳнат қилиб келаётган ерга содиқлигини била туриб, мана шундай қилишимиз керак.

Шу диёрда қилинган буюк ва ажойиб ишларнинг ҳаммаси қайта қуриш доирасида, қайта қуриш йўлида сақлаб қолиниши ва кўпайтирилиши учун мамлакат раҳбариятининг бутун масъулиятини тушуниб турганлигимизни яна бир бор айтиб ўтмоқчиман. Бу гап биз бемалол нафас олишимизга, шахдам одим ташлаб боришимизга халақит бераётган иллатлардан халос бўлишимиз керак эмас, деган маънони билдирмайди. Ўз тарихида, инсоният тарихида шу қадар кўп иш қилган халқ демократик жамият шароитида, инсоннинг турмуши, инсонпарварлик қадриятлари ҳамма нарсадан устун қилиб қўйилган жамиятда осойишта яшаб, меҳнат қила олиши учун эҳтимол, энг қийин пайтда ҳамма нарсани муҳайё этишимиз керак. Ҳозир биз, яшаб турибмиз, албатта. Мунозара, муаммоларни, бутун тарихимизни муҳокама қилиш йиллари ўтди. Натижада биз ўзимизни, ўз тарихимизни яхшироқ билиб олдик, қудратли мамлакат бундан буён ҳам замонавий маърифат тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиши учун нималар қилишимиз кераклигини яхшироқ билиб олдик. Энди биз заковатлироқ бўлиб қолдик, деб ўйлайман. Шу йилларда биз қўшила олмайдиган, бартараф этишимиз лозим бўлган воқеалар ҳам содир бўлганлиги муносабати билан Ватан учун ташвишланиш, — мана шу ташвишланиш бизнинг фаолиятимизни, қайта қуриш сиёсатини амалга оширишнинг барча жабҳаларидаги курашни кучайтирмоқда.

Ҳозирги пайт, чамаси бизнинг жуда катта амалий қадамларга, шу жумладан иқтисодиёт соҳасидаги қадамларга ғоят яқинлашиб қолганлигимиз билан ажралиб туради. Бизга, айрим ишларда шошқалоқлик қилганлигимизни, бошқа ишларни кечиктириб юборганимизни айтишаяпти. Агар ҳамма иш алоҳида-алоҳида олиб қараладиган бўлса, бу гапларнинг ҳаммаси эҳтимол, тўғридир. Башарти 1985 йилга, қолаверса, шундан кейинги йилларга ҳам назар ташлайдиган бўлсак, шуни айтишим керак: биз кўп нарсаларни тушуниб олишга мажбур эдик. Раҳбарият орасидагина эмас, илмий доиралардагина эмас, жамиятда ҳам худди шундай қилишимиз керак эди.

Икки-уч йил муқаддам фақат икки корхона хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи бошқаришга ўтган эди. Улардан кейин уч ёки бешта министрлик шу усулга ўтди, сўнгра иқтисодиётимизнинг ярмиси хўжалик ҳисоби ва иқтисодий турмушнинг янги усулларини ўзлаштириш йўлини тутди. Буларни ҳали бошдан кечириш, тушуниш керак эди! Бу мутлақо бошқача ёндашувлар эди. Шунда биз кўп нарсаларни ўзгартириш кераклигини пайқаб олганлигимизни айтишим керак. Биз ҳозир қабул қилган қарорларни илгари қабул эта олмас эдик, чунки шундай қилсак, пухта ўйланмаган, пала-партиш қарорлар қабул қилиб қўйган бўлур эдик. Энди биз ижобий тажрибага ҳам, таъбир жоиз бўлса, хатоларга ҳам таянаяпмиз. Ҳозир биз тажриба орттириб, иқтисодиёт масалалари хусусида — ер ҳақида, ижара тўғрисида, кооперация ҳақида, солиқлар тўғрисида ва бошқа кўп масалалар хусусида катта қарорлар қабул қилган бир пайтда энди иқтисодиётда туб бурилиш қилиш вазифасини асосли равишда ўртага қўя оламиз.

Миллатлараро муносабатларда, кўп миллатли давлатни ривожлантиришда кўпгина муаммолар юзага келди. Ҳа, авлодларнинг куч-ғайратлари билан ноёб ҳамжамият барпо этилган, унда кўпдан-кўп тилларда сўзлашувчи неча ўнлаб халқлар яшаб турибди. Бу жамият турли миллатларга мансуб бўлган миллион-миллион кишиларни бир мақсадни кўзлаб, бир йўл ва тақдир билан бирлаштирганлиги туфайли фахрланиши мумкин.

Бу — жуда катта ютуқдир, шу билан бирга шу йиллар давомида кўпдан-кўп муаммолар тўпланиб қолганини биламиз. Ҳозир биз миллатлараро муносабатлар жуда кескинлашган босқичдан ўтаяпмиз, бу эса бутун жамиятимизни ташвишга солмоқда, жумладан Болтиқбўйилик ўртоқлар бу ерда ҳам шу ҳақда гапиришди. Биз федерациямизнинг келажаги билан боғлиқ бўлган катта-катта қарорлар қабул қилиш йўлига ўтиб олдик. Шу ойларда биз совет федерациясига янги ҳаёт бахш этиш учун янгидан қабул этилган қарорларга таяниб кўп жумбоқларни ечишимиз лозим. Биз тўғри йўлдан бораётганимизга ишончимиз комил.

Демократия, ошкоралик, эркинлик, муҳитидан фойдаланиб, биз жон куйдираётган ва бугун ҳам гаплашиб олган мақсадларга тўғри келмайдиган ишларни қилаётган кучлар ҳам борлиги бошқа бир масаладир. Бунинг устига, мазкур кучлар ўзларининг рўёбга чиқмай қолган манфаатпарастлик режасини, шу жумладан айирмачилик режаларини амалга ошириш учун мамлакатимиздаги янги халқчиллик муҳитидан фойдаланишни кўзламоқдалар. Аммо бу — масъулиятсиз даъволар ва масъулиятсиз сиёсатдир. Бу ҳақда биз рўй рост гапирамиз, чунки бу — боши берк кўчага киритиб қўядиган сиёсатдир.

Биз мана шу таҳликали ларзаларга бардош бериб ва хатто бошдан кечириб, биз Октябрдан кейин, ленинча миллий сиёсат йўлига амал қилиб, тўғри йўлдан боргонимизга янада кўпроқ ишонч ҳосил қилаяпмиз, мен бунга аминман. Бироқ баъзи ишлар Ленин ўйлаганчалик бўлмай қолди.

Ҳозир биз Лениннинг эркин халқлар федерациясини барпо этиш тўғрисидаги режаларини тўла-тўкис амалга ошириш йўлидаги ишни давом эттиришимиз керак. Биз таклиф қилган сиёсатнинг моҳияти мана шундан иборат, бинобарин мен мамлакатимиздаги кўпчилик халқлар буни энди яхши тушуниб олдилар, деб ўйлайман. Айирмачилар қаёққа бошлаётганликлари ва уларнинг республикалардаги сиёсати кўп кишилар учун қандай оқибатларга олиб келаётганлиги эса партияни федерацияни янгилаш йўлини қўллаб-қувватлаш кераклигига янада кўпроқ ишонч туғдирмоқда. Бу масала ҳам ҳозир ҳал этилмоқда ва ҳал этилади.

Биз барча поғоналардаги Советларнинг сайловини ниҳоясига етказдик. Илгари партия бажариб келган вазифаларни ҳозир Советлар ўз зиммаларига оляптилар, — хўжаликнинг, давлатнинг ҳамма ишларини бевосита бошқаришга киришяптилар. Бу — жуда чуқур бурилишдир. Бу соҳада ҳам ҳамма иш кўнгилдагидек бормаётганини кўриб турибмиз. Бу ишда ҳам йўл қўйилган кўпгина камчиликлар ҳақида гапириш мумкин бўлур эди. Бизнинг фикримиз эса Советларнинг халқ ҳокимияти ташкилотлари сифатидаги чинакам моҳиятини қайта тиклашдан иборат.

Биз қайта қуришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган халқни айни Советлар орқали барча муаммоларни ҳал этишга жалб қилишни режалаштириб қўйганмиз. Сталинчилик йилларида йўл қўйилган бузилишларни айни шу йўл билан бартараф этиш лозим. Халқ сиёсатдан четлаштириб қўйилганлиги ўша йиллардаги асосий хато бўлган эди. Бу соҳада биз чуқур демократик ўзгаришларга йўл очдик. Бинобарин буни: ҳамманинг демократия шароитида яшаб, ишлашни ўзлаштириши унчалик осон эмас.

Уч йил муқаддам шу залда демократия шароитида ишлашни ўрганишимиз кераклиги ҳақида гапирилган эди. Бу гапга кўп кишилар аҳамият бермаган эдилар. Бу гапнинг нақадар муҳимлигини кейинчалик турмушнинг ўзи кўрсатди. Ҳозир эса бу — энг долзарб масаладир.

Партиянинг XXVIII съезди арафасида, давлатнинг, жамият ва федерациянинг тақдири тўғрисида, партиянинг ўз тақдири ҳақида, ҳозирги тарихий шароитда у қандай бўлиши кераклиги тўғрисида, эҳтимолки энг катта мунозаралардан бири давом этмоқда.

Биз нақадар муҳим ва масъулиятли пайтда яшаб турганлигимизни ана шуларнинг ҳаммаси кўрсатиб турибди. Муаммолар биз ўйлаб қўйгандек — бутун жамиятнинг, барча халқларнинг манфаатлари йўлида ҳал этилиб, қайта қуриш иши мустаҳкам изга қўйилиши ва тобора жадаллашиб бориши учун ҳамма ишни қилишимиз керак. Ҳозир биз қайта қуришни ривожлантиришнинг энг нозик йўлига ўтдик.

Аммо буни қайта қуришнинг мағлубиятини хоҳловчи кишилар ҳам кўриб туришибди. Ҳозир фикрларнинг ойдинлашувчи жараёни бормоқда. Яқин ойларда ёки яқин бир-бир ярим йил ичида ҳамма нарса ҳал бўлиши лозим. Биз бунга — бизни орқага улоқтириб ташламоқчи ёки қандайдир жарга итармоқчи бўлган ҳар қандай кучларга қаршилик қилишга тайёр бўлиб туришимиз керак. Байрамона Қизил Майдонда — меҳнаткашларнинг митинги ва намойишидан кейин мана шундай хуруж қилиб кўрилди. Башарти бизга — ташланган шиорлар остида демократлар борган эди, дейишса, демократиянинг ўзи нималигини мен умуман билмас эканман.

Ўртоқлар, биз — кучлимиз. Модомики кимлардир ғазабга минаётган бўлса, бузғунчи кучлар даври ўтиб бораётганлигини тушунганликлари учун шундай қилмоқдалар. Фақат сафсатабозлик билан ҳеч нарсани ҳал этиб бўлмаслигини одамлар кўриб туришибди.

Митинглар зарур эди, сафсатабозлик эса ҳар қандай ҳолатда ҳам кулфат келтиради. Қайта қуришнинг турли соҳаларидаги катта-катта тадбирларни муҳокама қилган пайтимизда митинглар ва мунозаралар бизга ҳали керак бўлади. Аммо биз асосий масалани равшанлаштириб олган, нима қилишни билиб турган бир пайтимизда ҳозир амалий сиёсат, нақд амалий ишлар кераклигига одамлар ишонч ҳосил қилмоқдалар. Бақироқлар, шаллақилар замони ўтиб бормоқда. Биз сабр-матонатли бўлишимиз, ўз қароримизда қатъий туришимиз, ўйлаб қўйган ҳамма ишларимизни вазминлик ва ишонч билан қилишимиз лозим.

Ҳокимиятни ишга солиш керак, деганларида мен жамиятимизда қонун амал қилиши кераклигини ва қонуннинг бажарилишини таъминлаши лозим бўлган кишилар ҳаракат қилишларини назарда тутаяптилар, деб тушунаман.

Биз янгиланиш йўлига ўтар эканмиз, демократиядан воз кечмаслик ва ўтмишда бўлганидек, қонунга хилоф йўл тутмаслик кераклигини халқ ҳам, ҳамма ҳам тушуниб турибди, деб ўйлаймиз. Ҳолбуки, шундай таклифлар ҳам бор. Бизга 37-йил ҳам, 38-йил ҳам, 39 ва шундан кейинги йиллар ҳам керак эмас. Биз ўзимиз ўтказаётган сиёсатни амалга оширишда қатъий туришимиз керак.

Шу билан бирга айтиб қўймоқчиманки, бизнинг келажагимиз орқага, ўтган замонлар муҳитига қайтиш билан эмас, балки демократия билан, қонуннинг тантанаси билан боғлиқ эканини Президент ҳам, ҳукумат ҳам, партия Марказий Комитети ҳам тушуниб турибди. Ўтган замонлар муҳитида бизга яроқли жавоблар йўқ. Ўтмишдан биз таянишимиз лозим бўлган нарсаларни, — буларнинг ҳаммасини олишимиз керак.

Ғалаба кунини байрам қилиш — ўтмиш тажрибасига таяниш имкониятларидан бири, деб ўйлайман. Биз ўзимиз бошлаган йўлдан олға боришимиз керак. Биз рўй бераётган воқеалардан, совет кишиларининг фикр-мулоҳазаларидан хулосалар чиқариб оламиз. Сизлар бу ерда айтган ҳамма гапларни биз эшитганимизга ишонаверинглар. Сизларнинг ташвишингизга биз тўла-тўкис қўшиламиз.

Ҳозир армия ҳақида, Ғалаба тўғрисида алоҳида гапирмоқчи эмасман. Эртага қилинадиган докладда бу гаплар айтилади. Ҳозир байрамолди гурунгимизни тугалламоқчиман. Ҳозир биз, иш кунларида, байрамда ҳам ўзимизни тўлқинлантираётган масалалар ҳақида гапиряпмиз. Энди бу бизнинг воқелигимиз бўлиб қолди. Азиз ветеран ўртоқлар, халқ номидан сизларни яна бир бор табриклайман, тарихимизда мамлакат ва халқ бахт-саодати йўлида сизлар қилган иш учун чин кўнгилдан раҳмат айтиб, сиҳат-саломатлик тилайман (**Қарсаклар**).

* * *

Садоқат — ветеранларнинг ҳаётий позициясини жуда яхши таърифлайдиган сўз десак ҳато бўлмас. Ижро этилган бурчга садоқат, жанг майдонларида ҳалок бўлганлар хотирасига садоқат. Фронтдаги қардошликка садоқат руҳи уларнинг ҳаммасига сингиб кетган. Учрашув минбаридан сўзланган нутқларданги на эмас, танаффус пайтида, ветеранлар М. С. Горбачевни, мамлакатнинг бошқа сиёсат ва давлат раҳбарларини даврага олган пайтда улар кўп нарсаларни эслашди, суҳбатларда ўтмиш ҳақидаги эсдаликлар ҳозирги муаммолар билан жуда табиий равишда боғланиб кетди.

Учрашувдан кейин улар Қизил Майдонга чиқдилар. Ветеранлар В. И. Ленинга астойдил ҳурмат нишонаси сифатида Мавзолейга гулчамбар қўйишди. Мангу олов ёнида қутлуғ сокинлик лаҳзаси: ветеранлар Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйишди.

(**ТАСС**).

# СЎНМАС ЖАСОРАТ

**Генерал-полковник И. В. ФУЖЕНКО, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўмондони.**

ВАТАНИМИЗ тарихида шундай кунлар борки, уни доимо алоҳида фахр-ифтихор билан эслаймиз. 1945 йилнинг 9 Майи ана шундай кунлар сирасига киради. Ҳаётнинг ўлим устидан, яхшиликнинг ёмонлик, инсонпарварликнинг ваҳшийлик устидан тантанасини билдирувчи Ғалаба куни йиллар оша хотирамизда сақланиб қолади.

Совет халқлари 1418 кеча ва кундуз давом этган Улуғ Ватан урушида қозонган муваффақият Ватанимизнинг мустақиллиги ва озодлиги, Улуғ Октябрь ғалабалари ҳимоя қилиб қолинганлиги билан ҳам қадрлидир. Кўпмиллатли совет халқи ва унинг армияси бу урушда Коммунистик партия раҳбарлигида ўз байналмилал бурчини ҳам шараф билан ўтади. Европа ва Осиёнинг кўпгина халқларини фашизм ва япон милитаризми зулмидан асраб қолди. Бу урушдаги ғалаба ижтимоий тараққиёт, адолатли ва мустаҳкам тинчлик истиқболининг янги йўлларини очиб берди.

Совет кишилари Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 45 йиллигини янгича бир шароитда кутиб олмоқдалар. Ҳаётимизнинг бош масаласи — қайта қуришнинг борищи ва унинг истиқболи, партиянинг инсонпарвар, демократик социализм йўлидаги муҳим вазифалари муҳокама этиладиган КПСС XXVIII съездига ҳозирлик давом этаётир. Она-Ватанимиз тарихини англашда мураккаб ва кўп жиҳатдан қарама-қарши жараён кузатилмоқда. Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари сўнмас жасоратининг тарихий аҳамияти тўла ва ёрқин очиб кўрсатилаётир.

Урушнинг бошланиши ниҳоятда оғир кечди. Ҳарбий машинасини синаб кўрган ва Европанинг босиб олган мамлакатлари иқтисодиётини ўзи учун ишлашга мажбур этган айёр ва шафқатсиз душман Совет Иттифоқига қарши ҳужум бошлаган эди. 1941 йилнинг 22 июнида Тинч океанидан Қора денгизгача бўлган кенг фронт бўйлаб умумий сони 5,5 миллион киши бўлган 157 немис дивизияси ва Германия иттифоқчиларининг 37 дивизияси қўққисдан урушга киришди. Чегараларимизни бузиб ўтган душман 4,3 минг танк ва штурм қуроллари, деярли 5 минг жанговар самолёт, 47 мингдан кўпроқ тўп ва миномётлар билан қуролланган эди.

Совет халқларининг озодлик ва мустақиллик учун курашига коммунистларнинг синалган партияси карвонбошилик қилди. Сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий раҳбарликнинг бирлиги зарур эканлиги, фронт ва фронт орти вазифаларининг узвийлиги ҳақидаги ленинча васиятларга амал қилиб қисқа муддатда мамлакатни ягона ҳарбий лагерга айлантиришга муваффақ бўлинди.

Партия совет халқларининг немис-фашист босқинчиларига қарши курашига раҳбарлик қилар экан ҳарбий ташкилотчилик фаолиятига зўр берди. У армияга жалб қилиш ва уни ташкил этиш, армияни қуроллантириш ва энг замонавий жанговар техника билан таъминлаш, жангчилар ва фронт ортидаги коллективларининг маънавий-сиёсий баркамоллигини мустаҳкамлаш, фронтда ва душман ортидаги қуролли курашга бевосита раҳбарлик қилиш билан изчил шуғулланди.

Урушнинг энг оғир ва энг мураккаб даврида бош воқеа Москва учун бўлган жангларидир. Бу жангларда 1941—1942 йил қишда душманнинг йирик группировкаси яксон этилди. Унинг таркибида гитлерчи жангчиларнинг 42 фирқаси, самолётларининг деярли ярмиси, совет—герман фронтидаги жами қурол-аслаҳа ва миномётларнинг учдан бир қисми жамланган эди. Москва яқинидаги ғалаба Гитлер армиясининг мағлуб бўлмаслиги ҳақида афсоналарга чек қўйди, фашистларнинг яшин тезлигида уруш қилиш планларини барбод этди ва гитлерга қарши иттифоқнинг тузилишини тезлаштирди.

Немис-фашист қўшинларининг Сталинград остоналарида мағлуб этилиши Улуғ Ватан уруши ва бутун иккинчи жаҳон урушининг боришига аниқлик киритган бўлса, Курск ёйидаги ғалаба ҳамда Днепрнинг кечиб ўтилиши ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Ана шу жанглар давомида тубдан бурилишга эришилди. Стратегик ташаббус сўзсиз совет қўшинларига ўтди. Қизил Армиянинг кенг кўламли ҳужум операциялари туфайли 1944—1945 йилларда совет ерларини фашист босқинчилардан тўла озод этиш, босиб олинган мамлакатлардаги халқлар қўллаб-қувватлашига таяниб Польша, Чехословакия, Югославия, Болгария, Руминия, Венгрия, Австрия ва шимолий Норвегияни фашистлар зулмидан озод этишга эришилди. Берлин операцияси туфайли фашистлар Германиясининг сўзсиз таслим бўлиши таъминланди, 1945 йилнинг 8 майида эса ана шу ҳақдаги ҳужжатга имзо чекилди.

Ўзининг иттифоқчилик мажбуриятига садоқатли бўлган Совет Иттифоқи 1945 йилнинг 8 августида Осиёда агрессия ўчоғини йўқотиш ва ўзининг Узоқ Шарқдаги чегаралари дахлсизлигини таъминлаш мақсадида милитаристик Японияга қарши уруш эълон қилди. Биз нинг жангчиларимиз 23 кун мобайнида бир миллионли Квантун армиясини тўла мағлуб этдилар. Американинг тинч япон шаҳарлари, Хиросима ва Нагасакини атом бомбардимони қилганлиги эмас, Совет Қуролли Кучларининг қақшатғич зарбалари Японияни 1945 йил 2 сентябрда сўзсиз таслим бўлишга мажбур этди.

СОВЕТ Иттифоқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабаси ниҳоятда қонуниидир. Бу ғалабанинг замини мустаҳкам. У социализмнинг капитализмдан устун эканлигини кўрсатди, унинг юксак иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий имкониятларини намойиш этди. Бу оғир синовда партия ва халқнинг ҳамкор, ҳамфикр эканлиги, ишчилар синфи, деҳқонлар ва меҳнат зиёлиларининг иттифоқи, СССР халқларининг дўстлиги қанчалик мустаҳкам эканлиги яна бир бор кўринди. Уруш йилларида кўрсатган мардликлари учун 5 миллион 300 минг жангчи орденлар билан тақдирланди, 11 мингдан кўпроқ киши шу жумладан 86 хотин-қиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан мукофотланди. 300 нафар жангчи Александр Матросовнинг, 350 киши эса учувчи Гастеллонинг сўнмас жасоратини такрорлади. Уларнинг орасида туркистончи-жангчилардан Қудрат Суюнов, Тўйчи Эрйигитов, Тоштемир Рустамовлар ҳам бор.

Мардлиги ва матонати учун Ўзбекистоннинг ўғил ва қизларидан 120 минг киши СССР орден ва медаллари билан мукофотланди, 280 дан кўпроқ жангчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига лойиқ деб топилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари душманни тормор этишга салмоқли ҳисса қўшдилар. Жумҳурият уруш йилларида Совет Армиясининг йирик аслаҳахонаси бўлиб қолди, Фронтга кадрлар, ўқ-дори ва самолётлар, озиқ-овқат ва кийим-кечак етказиб берилди. Ўша пайтда бу ерга 100 дан ортиқ саноат корхоналари, бир қатор ҳарбий академия ва билим юртлари СССР Фанлар академиясининг институтлари кўчириб келтирилган эди. Ўзбекистон меҳнаткашлари Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакат мудофаа фондига 475,4 миллион сўм пул, 224 миллион сўмлик қимматбаҳо буюмлар, деярли 56 килограмм нодир металлар ўтказдилар, 18,7 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулоти тайёрланди. Ўзбек халқи фақат меҳнати ҳамда жанговар жасоратлари билангина эмас, мамлакатнинг душман вақтинча босиб олган районларидан кўчириб келтирилган юз минг нафар катта ёшли кишилар ва болаларни ўз боғрига олиб беғараз, холис ёрдам берганлиги билан ҳам шон-шуҳрат қозонди.

Фронт ва фронт ортидаги олиб борилган оғир ва шиддатли курашларга раҳбарлик қилган Коммунистик партия томонидан мустаҳкамланиб келинган халқларимизнинг бузилмас дўстлиги социалистик Ватанимизни ягона ҳарбий лагерга айлантиришга ёрдам берди. Бу ҳарбий авантюраларни орзуламаган барча ҳавасмандларга аччиқ сабоқдир.

Бугунги кунда ўтган урушнинг энг муҳим сабоғи барча совет кишилари, армия ва флот жангчиларининг юксак ҳушёрлигини таъминлаш, мамлакатимиз мудофаа қобилияти ва Қуролли Кучларнинг жанговар қувватини янада мустаҳкамлаш зарурлигидир.

ҚИРҚ БЕШ йилдирки, совет халқлари Совет Қуролли Кучлари кафолот бериб турган тинч шароитда яшаб меҳнат қилмоқдалар. Табиийки, Совет Армияси ҳам бутун мамлакатимиздаги каби армия ва флотни сифат жиҳатдан янги даражага кўтаришга, ҳар қандай агрессияни даф этишга кафолот берадиган қайта қуришни амалга ошириш руҳи билан яшамоқда. Афсус билан айтиш керакки мудофаа учун етарли принципига асосланган янги сиёсий фикрлаш Ғарбнинг сиёсий ва ҳарбий идораларда қийинчилик билан йўл топаётир. АҚШ ва НАТОнинг қатор раҳбарлари эски қарашларга берилганликлари кузатилаётир. НАТО қўшинларини янги қуроллар ва техника билан жиҳозлаш тўхтовсиз давом этаётганлиги бунга гувоҳлик бериб турибди.

Янгича сиёсий фикрлаш мамлакатимиз хавфсизлигини сиёсий воситалар билан таъминлаш имкониятини кўпайтирган бўлишига қарамай партия XXVIII съездига ҳаракат дастурида ҳали дунёда қуролли можаролар чиқишига йўл бор экан биз учун ишончли мудофаа воситаси керак эканлигини алоҳида таъкидланди.

Бу кўрсатмалар мамлакатимиз жанубий сарҳадларининг ишончли посбони бўлган Қизил байроқ орденли Туркистон 

9 май

# ҒАЛАБАНИНГ ЎЗИ КЕЛМАГАН, ДЎСТИМ!

## ЎЗБЕКЛАРДАН ФАҚАТ ЯХШИЛИК КЎРДИК

### *Юрт эгаларига эҳтиром*

**● ОТА-ОНАДАН эрта етим қолиб кўнглим ўксик эди. Болалигим қийинчилик билан ўтди. Уруш арафасида туғилган шаҳрим — Серпуховода ФЗУни тугатиб «Красний текстильщик» ип-йигирув фабрикасида ишлай бошладим.**

Ҳаётимнинг гўзал онлари эндигина қулф ураётган пайтда гитлерчилар мамлакатимизга бостириб киришди. Оғир кунлар бошланди. Душман авиацияси туну-кун шаҳарни бомбардимон қилар, унинг олдинги қисмлари эса биздан атиги 5 чақиримр наридаги қишлоқда қўр тўкиб ётарди.

Ноябрнинг изғиринли кунларидан бирида бизни тўппа-тўғри фабрика территориясидан эшелонларга ўтказиб Шарққа олиб кетишди. Йигирув дастгоҳларимиз ҳам кўчирилиб вагонларга босилганди. Ҳамманинг кўнгли йиғлайди, келажагидан хавотирда. Ота-онаси, қариндошуруғи йўқ. Мен ёш қиз эса улардан ўн чандон ташвишдаман. Бегона юрт, тили, дини бошқа одамлар орасида ёлғиз ўзим қандай тирикчилик қиламан, деган ўй миямни пармалайди.

Минг машаққатлар билан бир ой деганда Фарғонага етиб келдик. Қиш бўлишига қарамай, офтоб чиқиб турибди. Сомон сувоқли пастак уйлар мен умримда кўрмаган ғаройиб баланд дарахтлар қуршовида. Бизни шаҳар атрофидаги колхозлардан бирининг боғига туширишди. Олис сафар машаққатидан сўнг бу сокин, оёқ остида олтиндай хазон шитирлаган боғ жаннатга ўхшаб кўринди. Нуроний юзли онахон нотаниш тилда бир нарсалар деди. Дастурхонга таклиф қилишди. Ўрик туршагини биринчи марта татиб кўрдик. Оғзингда эриб кетадиган қантак ўрик. Ўзбекларнинг бағри ,кенг, меҳмондўст, очиқкўнгил халқ эканлигига имон келтирган эдим ўшанда.

Фарғона тўқимачилик фабрикаси ёнидаги қўшимча цехларга қисқа муддатда Серпуховодан келган дастгоҳларни ўрнатиб ишни бошлаб юбордик .Кунига 12—14 соатдан ишлаб фронт учун ип-газлама, парашютлар учун тасмалар тайёрлардик. Ишимиз сифатли, унумли бўлиши учун жон-жаҳдимиз билан ҳаракат қилардик. Мен билан ёнма-ён ўзбек, татар, украин аёллари ҳам ишлар, ҳаммамиз иноқ, дўст эдик. Кимга фронтдан турмуш ўртоғи ёки севгилисидан хат келса биргаликда қувонар, кимгадир қора хат келган кун эса бутун цех мотам тутар эди.

1945 йили Коммунистик партия сафига ўтдим. Шу даргоҳда салкам 30 йил ҳалол меҳнат қилиб пенсияга чиқдим. Қатор медаллар, Фахрий ёрлиқлар билан мукофотландим. Ўғлим Николайнинг киндик қони Фарғонада тўкилди. Келиним, невараларим учун ҳам Фарғона она юрт.

Ҳамон ўша 41-йилнинг таҳликали қишини, машаққатли сафардан сўнг бизни очиқ юз билан кутиб олган меҳрибон, ажойиб кишиларни эсласам кўнглим ёришиб кетади. Шу боғлар қўйнидаги юртда ўсдим, улғайдим. Болачақа, невералар орттирдим. Бунинг учун шу юртнинг эгаларига ҳамиша эҳтиром билдираман.

**А. КАРАИТ,**
**партия ва меҳнат ветерани. Фарғона шаҳри.**

### *Меҳр-оқибатли одамлар*

**● БУГУН инсоният бошига тушган кулфатдан халоқ бўлганига 45 йил тўлди. Шунча йилдан буён осмонимиз мусаффо, тинч яшаяпмиз. Лекин уруш туфайли чеккан азоб-уқубатлар бир дақиқа ҳам ёдимиздан чиққан йўқ. Айниқса, одам кексайган сари ўтмишни кўп хотирлайдиган бўлиб қоларкан. Кейинги пайтларда уруш йилларида кўрган-кечирганларим, тортган азобларим менинг ҳам тез-тез ёдимга тушади.**

Киев шаҳри яқинида оиламиз билан тинч-тотув яшардик. Бирдан уруш бошланғани ҳақида совуқ хабар тарқалди. Яна бироз вақт ўтгач, немис фашистлари шаҳримизга яқинлашиб келаётгани ва биз мамлакат ичкарисига кўчирилишимизни айтишди. Шу тариқа уруш мен каби минглаб одамлар ҳаётини ўзгартириб юборди. Лекин издан чиқара олгани йўқ. Бошимизга тушган кулфатни енгишда бизга меҳр-оқибатли одамлар ёрдам бердилар. 1941 йилда Тошкентга етиб келгач, бизни оиламиз билан Наманганга юборишди. Бу ердаги ўзбеклар бизга ўхшаганларни қучоқ очиб кутиб олишиб, уйларига олиб кетишди. Бошпана, озиқ-овқат, кийим-кечак бердилар. Онам, икки укам билан тез орада ўзбекларга эл бўлиб кетдик. Улар очарчилик пайтларида бир бурда нонини биз билан баҳам кўришиб ҳаётимизни сақлаб қолдилар. Ўзбеклардан фақат яхшилик кўрдик.

Мен Наманганни ўз Ватаним деб биламан. Онам, турмуш ўртоғим, укам шу ерга дафн этилган. Ҳозир икки фарзандимнинг бири Ленинградда, бири Москвада яшайди. Улар мени бир неча бор олиб кетишга ҳаракат қилдилар. Ҳатто кўчириб ҳам кетишди. Лекин Ленинградда ва Москвада ҳаммаси бўлиб беш ойга аранг чидадим. Яна ўзим ўсиб-унган жойимга, қадрдон одамларим орасига қайтиб келдим. Мана, ҳозир қарилик гаштини суряпман. Қўни-қўшниларим, ўзбек ва бошқа миллат вакиллари билан тинч, аҳил ҳаёт кечиряпмиз. Улар мендан тез-тез хабар олиб туришади. Айниқса, бирга ишлаб, мени қарилик пенсиясига кузатган область радио эшиттириш комитети коллективидан ғоят миннатдорман. Улар мени бир дақиқа эътиборсиз қолдиришмайди. Ўзим ҳам у ерга тез-тез бориб тураман.

Урушни, унинг офатларини енгишни мен ўзбеклар-сиз тасаввур қилолмайман. Ўзбекистонлик барча ёшу қари фронт орқасида туну кун меҳнат қилиб, ғалабани яқинлаштиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Шу боис мен бугунги улуғ айём — Ғалаба байрами билан барча юртдошларимни чин дилдан табриклайман. Шу фурсатдан фойдаланиб, оғир дамларда иссиқ бағридан жой берган ўзбек халқига нон-туз, меҳр-оқибат учун таъзим қиламан.

**В. АНТОНОВА,**
**Наманган шаҳри, пенсионер.**

### *Муқаддас туйғу*

**● ДУШМАН Ватанимизга хиёнаткорона ҳужум қилиб, уй-жойларимизни хонавайрон қилган йилнинг айни изғирин палласида эшелонимиз Бухоро темир йўл станциясига келиб тўхтади. Дарҳол вагонларга ортилган дастгоҳлар, асбоб-ускуналарни шаҳар чеккасида корхонамиз учун ажратилган қурилиш майдончасига ташиб бошладик.**

Кўп ўтмай узоқ Бухорога эвакуация қилинган Харьков велосипед заводининг корпуслари қад кўтара бошлади. Биз, украиналиклар ва бухоролик янги дўстларимиз кеча-кундуз тиним билмай ярим йил ичида улкан корхонани ишга туширдик. Фақат энди унинг цехларида велосипед эмас, милтиқ патронлари, авиация снарядлари, машҳур «катюша» капсулалари ишлаб чиқарилиб, зудлик билан фронтга жўнатилмоқда эди.

Ўшанда иш сменаси 12 соатлаб давом этар, ҳатто овқатланиш ҳам шу ерда ташкил қилинган эди. Афсуски, ҳозирги ёшлар ўша суронли йиллар қийинчиликларини ҳатто тасаввур ҳам этишолмайди.

Буюк Ғалабага эришилгандан кейин қадрдон заводим яна Харьковга қайтди. Мен эса Бухорода қолдим. Ўзбек йигитига турмушга чиқдим. Педагогика институтини тугатганимдан кейин узоқ йиллар шаҳардаги Охунбобоев номли мактабда бухоролик ларнинг фарзандларига рус тили ва адабиётидан таълим бердим. Айни маҳалда пенсия ёшида бўлсамда ўз ишимни тарк этганим йўқ.

Яқинда магазинни айланар эканман, қутилмаганда уруш йилларида мен билан ёнма-ён ишлаган дамкасбим Мирфайз Ҳабибовни учратдим. У велосипед заводи ўрнида барпо этилган пахта тозалаш корхонасида ишлаётган экан. Биргаликда қадрдон дўстларимиз Ислом Жалолов, Полина Сидойкина, Нина Макревчук ва бошқа турли миллат вакиллари бўлган дўстларимизни илиқ сўзлар билан эсладик.

Бугун Ғалаба кунини нишонлар эканмиз, хаёлан яна ўша йилларга қайтдим. Агар ўзбек дўстларимиз биздек юрти хонавайрон этилган ўн минглаб мусофирларни ўз бағрига олмаганда, бир бурда нонни, иссиқ бошпанасини баҳам кўрмаганида ҳолимиз не кечарди?

**С. МАРҒУЛИС,**
**Бухоро шаҳридаги Охунбобоев номли мактаб ветеран ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси.**

Суратларда муҳрланган тарих

● Тошкентдаги 84-завод меҳнат аҳли Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабага муҳим ҳисса қўшди. Корхона стахановчилари меҳнати билан яралган қуроллароғлар душманга қарши қақшатқит зарба берди.

● Темирчи уста Шомаҳмудов оиласи мамлакатнинг турли бурчакларидан кўчирилган турли миллат болаларини қабул қилиб олди (1942-1944 йил).

● «Ўзбекистон комсомоли» бронепоездини фронтга жўнатиш олдидан (1943 йил).

● Улуғ Ватан уруши ғолибларини кутиб олиш. Ўғил жангдан қайтди (1945 йил).

(Ушбу суратлар Кинофото-ҳужжатлар Давлат марказий архивидан олинган).

**Газета ҳар бир хонадонга нур бўлиб, зиё бўлиб киради. Айниқса, Улуғ Ватан уруши йилларида матбуотнинг кучи беқиёс намоён бўлди. У ҳар бир жангчига ўз жонажон юртидан хушхабар элтган бўлса, душманга қарши курашларда даъваткор куч сифатида беқиёс таъсирчан воситага айланди. Жангчиларда душманга қарши нафрат, она-Ватанга, ўз халқига муҳаббат туйғуларини жўш урдирди. Ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлаб, гитлерчиларга қарши қақшатқич жангга чорлади. Қуйидаги ҳужжатлар ҳам ана шундан далолат беради.**

## ҲУЖЖАТЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

● Қисмимиз газетангиздан 25 нусха олади. Бу бизга ўзбек жангчилари орасида сиёсий ишларни яхшироқ олиб бориш имконини бермоқда. Айниқса, ўзбек тарғиботчиларининг иши енгиллашди. Ана шу газеталарни юборганлигингиз учун Сизга миннатдорчилик билдирамиз.

**640-ўқчи полк.**
**1942 йил, ноябрь.**

● Ўзбек, тожик, туркман, қозоқ, қирғиз ярадор жангчилар, сиёсий ходимлар ва командирлар госпиталда даволанишмоқда. Улар ўз она тилларида кундалик матбуотни ўқиш имкониятига эга эмаслар. Қутурган душманга қарши кураш давом этмоқда. Она-Ватанимиз устидаги хавф юз баробар ошиб кетди. Бу хавф иттифоқдош республикаларимизга нисбатан ҳам ортмоқда. Душман бизни рус оғалардан ажратиб юбориб социалистик ватанимиз халқларини қулга айлантирмоқчи. Бунга қарши яна да кучлироқ курашиш учун кўплаб куч-ирода ва қатъийлик зарур. Душманга қарши курашиш учун интизомни мустаҳкамлаш, ҳар бир жангчи ўз бурчини, масъулиятини ҳис этиши зарур. Жангчиларни ана шу руҳда тарбиялаш учун уларнинг аҳоли билан мулоқотининг аҳамияти айниқса катта. Бундай мулоқот ҳозирги шароитда фақат газета орқали бўлиши мумкин. Шунинг учун бизга она тилида чиқадиган газетадан икки нусхадан юбориб туришингизни илтимос қиламиз.

**Ярадор жангчилар, сиёсий ходимлар ва командирлар.**
**Иваново области.**
**3837-госпитал.**
**15. 11. 42 йил.**

● Сизга муҳим масала бўйича мурожаат қилмоқчиман: қисмимиздаги жангчилар ва командирларнинг кўпи ўзбеклар. Кўпчилиги «Қизил Ўзбекистон» газетасини сўрашяпти. Биз бу газетани олмаймиз. Ўзбек ўртоқлар орасида Тошкент ва Самарқанддан фронтга келганлари ҳам бор. Улар «Қизил Ўзбекистон» газетасини мунтазам ўқиб боришган. Ҳозир эса газетасиз яшаш зерикарли.

Сиздан «Қизил Ўзбекистон» газетасидан бир неча нусха юбориб туришингизни ўтиниб сўрайман.

**286-дала почтаси.**
**196-қисм.**
**17. 11. 42. йил.**

● Ўзбек миллатига мансуб жангчилар ва командирлар, қўмондонлик, бўлинма партия ва комсомол ташкилотлари Сизга газета юбориб турганлигингиз учун миннатдорчилик билдиради. Бу газетангиз орқали ўзбек жангчилари ва командирларигина эмас, балки бўлинма бутун шахсий состави Ўзбекистон республикаси ҳаётига доир барча воқеалардан хабардор бўлиш имконини беради...

**редакцияга**
**келган**
**хатдан.**
**6. 04. 43 йил.**

● Биз «ўнг қанотда», яъни Шимолда жонажон ўлкадан йироқдамиз. Менинг бўлинмам жангчиси Шомуродовни жонажон Ўзбекистонидан минглаб километр масофа ажратиб турибди. Албатта, у ўз она тилини эшитмасдан бироз зерикмоқда. У серқуёш ўлкада нима воқеалар бўлаётганидан бехабар. У довюрак, ажойиб жангчи. Мен командир сифатида Сизлардан бир нарса илтимос қилмоқчиман. Агар Сиз уни ўз газетангизга обуна қилсангиз унга жуда катта қувонч бахш этган бўлар эдингиз. Ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг-а, совуқ шимолда «қуёш ҳиди» келиб турган газетанинг янги сонини олиш қанчалар бахт... Чунки мен чечен, осетин, арман жангчиларининг ўз она тилларидаги газеталарини олганларидаги қувончларининг гувоҳи бўлганман. Фақат жангчи Шомуродов уларнинг қувончига маъюс боқади. Мен Сизлардан илтимос қиламан, унга газетангиздан юбориб турингилар...

**Н. О. КОЖЕВНИКОВА,**
**Ўзбекистон ССР Марказий давлат архиви катта муҳаррири тайёрлаган.**
**5. 06. 43 йил.**

## ФРОНТ ОРТИ ҲАМ ФРОНТ

### *Арғамчига қил қувват*

● «Азиз ўғлонлар, сиз душман бошига ўқ ёғдиринг, биз эса фронт ортини мустаҳкамлаш учун кунни тунга улайгик». 1942 йил баҳорида Сурхон воҳаси меҳнаткашларининг аёвсиз жангларда жон олиб, жон бераётган фарзандларига йўллаган мактубида ана шундай оташин даъват мужассам эди.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ воҳада мудофаа жамғармасига маблағ тўплашга киришилди. Ўша йиллари меҳнат жамоаларида митинглар бўлиб ўтди. Митинглардан бирида термизлик 67 яшар отахон Ғ. Қосимов сўз олиб, бундай деди: «Душман менинг тинчимни бузди. Икки ўғлимни жангга кузатдим. Энди уйда ишга яроқли якка ўзим қолдим. Мен далага чиқиб, тер тўкиб меҳнат қиламан. Арпа — буғдой ўраман, ғўзага сув тарайман, беда йиғаман. Қанча пул топсам ҳаммасини душманни яксон қилиш йўлига тикаман».

«Йиллик даромадимни мудофаа жамғармасига ўтказишингизни сўрайман», деб ёзма ва оғзаки мурожаат қилган кишилар сони мингта эди. Атиги бир йил ичида воҳада 3 миллион сўмдан кўпроқ пул, 3 миллион 95 минг сўмлик заём, 45 минг килограмм гўшт, тонна-тонна буғдой, арпа, гурунч, мош, ловия, туршак, сариёғ тўпланди. Самолётсозлик корхоналари ишчиларига 28 миллион сўм пул ўтказилди.

Самолёт қуриб 1943 йилда фронтга жўнатиш учун Бойсун районидаги «Ленин йўли» колхози раиси Бойназаров 260 минг сўм, Шеробод районидаги «Ўртоқ» колхози раиси Турсунов 110 минг сўм, Жарқўрғон районидаги «Меҳнат—роҳат» колхозидан Н. Боймуродов 100 минг сўм пул бердилар.

Беш ғўдакнинг онаси Инобат Абдурасулова уйидаги янги қавилган кўрпа, жун пайпоқни болаларидан орттириб фронтга совға қилди. Оналар жангчи ўғлонларидан ҳеч нарсани аямадилар. Келинлар яшириб қўйган олтин зиракларини мудофаа жамғармасига топширдилар. Опасингилгар урчуқ йигириб, пайпоқ тўқидилар, кўрпа қавидилар. Хуллас, ёшу-кекса, эркагу-аёл қўлидан нималар келса, фронтга ёрдам берди. Ота-боболаримиз бежиз «арғамчига қил қувват» демаганлар. Душман совет халқлари дўстлиги, биродарлиги ва ҳамкорлиги билан пишитилган арқонни ҳар қанча чиранса ҳам уза олмади. Биз ғалаба қилдик.

**Ҳ. САИДОВ,**
**Сурхондарё вилояти ўлкани ўрганиш музейи директори.**

### *Ҳиммат*

● Серташвиш уруш йилларида кишилар нималки топса ҳаммасини жангчиларга юборган эдилар. Қизлар рўмолчага гул солиб, отини ёзиб номаълум солдатга ҳадя қилишганди. Булоқ-бошиликлар ҳам тинч туришмади. Чкалов номли колхоз раиси Ж. Ғойибовнинг ташаббуси билан жасур йигитлардан 30 нафари тўпланиб, уларга эгар-жабдуғи билан 30 от, кийим-кечак, озиқ-овқат тортиқ қилинганди. Йигитлар ўзбек дивизиясига қўшилиб, фронтга жўнадилар.

Жўра полвон бу билангина чегараланиб қолмади. У фронтга каттароқ ёрдам кўрсатишни истарди. Катта Фарғона канали қурилишида анча пул ишлаганди. Мукофотга патефон, номи ёзилган соат олганди. Ҳаммасини сотиб пул қилди. Тўнғич ўғли Холмамат, асранди ўғли Тешавойнинг канал қурилишидан орттириб келган пуллари ҳам турганди. Мол ва қўйларни бозорга олиб чиқди. Ундан-бундан қарз кўтарди. Жами 80 минг сўм пул бўлди. Суриштириб кўрди, бу пулга битта танк кетаркан.

Колхоз бўйича эса 2 миллион сўм тўпланди. Пулни ҳуржунга солиб, райкомга олиб борди. Райком котиби ҳурсанд бўлиб, уни ҳарбий комиссариатга топшириб ва колхоз номидан СССР Олий Бош қўмондонига телеграмма жўнатишни маслаҳат берди.

Кўп ўтмай Андижон вилояти Хўжаобод районидаги колхоз раиси Ж. Ғойибовга Бош қўмондондан телеграмма келди. Обкомдан, райкомдан, қўнғироқ қилиб табриклашди. Ўша куни райондан Наби Охунов келиб нойхонада йиғилиш ўтказди. У телеграммани ўқиб берди ва бутун қишлоқ аҳолисига райком номидан ташаккур айтди. Йиғилишда колхоз аъзолари бахтимиз учун қон тўкаётган аскарларимизнинг ота-оналарини, бола-чақаларини ўз бағримизга оламиз, фронтга керак бўлган нарсаларни юбориб турамиз, деб қасамёд қилишди...

Сталин номли колхозга кейинчалик «Ленинград» номи берилган. Яқинда хўжаликнинг 60 йиллигини нишонладик. Колхоз марказида жангдан қайтмаган 201 нафар солдатга ёдгорлик ўрнатилган. А. Эрматов, М. Турдиев, Э. Усмонов, А. Ибаев, О. Холбеков сингари марҳум жангчилар билан колхозчиларимиз фахрланадилар.

**Т. НАЗАРОВ,**
**Андижон вилояти Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозининг раиси.**

### *Мустаҳкам таянч*

● Эркаклар жанггоҳда, бутун оғирлик аёллар, ўсмирлар ва қариялар зиммасига тушган эди. Шу боисми ўша йиллар хотирамда ўчмас из қолдирди. Уруш бошланган кезларда 15 ёшда Гурлан район «Колхозчилар овози» газетасида иш бошлаганман. Кузга келиб муҳарриримиз Оқман Ҳасанов, масъул котиб Мадамин Матназаровлар ҳам фронтга йўл олишди. Улар ўрнини озми-кўпми шу соҳани биладиган қариялар, кейинчалик урушдан ногирон бўлиб қайтган кишилар эгаллади.

Бу нафақат бизнинг, балки бутун коллективларга хос хусусият эди. Мухбир сифатида уруш йилларида жуда кўп жойларда бўлишга, ажойиб инсонлар қаҳрамонлигини ёритишга тўғри келди. Хусусан, звено бошлиқлари Абдулла Бердимуродов, Жуманиёз Меҳмоновларни яхши эслайман. 60 дан ошган бу отахонларнинг ҳар бири 3 гектар майдонда пахта экиб яхши ҳосил етиштиришган эди. СССР Олий Советининг дастлабки депутатларидан бири Пошшо Маҳмудова ҳам меҳнатда ва ижтимоий ҳаётда сардорлик қилди. Раҳбарлар фронтга кетгач, у звено етакчилигидан бирданига ижроком раислигига сайланди. Кейинчалик Йўлдош Охунбобоевга ўринбосар бўлиб ишлаган ва ҳамма яхши билади. Ўша пайтларда ҳам эзгулик, тантилик, улуғворлик халқимизга хос ҳислат эканлиги худди шу каби кўплаб мисолларда ёрқин кўринди.

Ҳозир тинч даврда яшаяпмиз. Уруш қатнашчилари иззатда. Уларга турли хилдаги имтиёзлар яратилган. Аслида шундай бўлмоғи ҳам фарз ҳам қарз. Лекин аксари ҳолда ғалабани таъмин этишда фронт ортида туриб курашганлар унутиб қўйиляпти. Уларга ҳам имтиёзлар бериш, ҳурмат ва иззат кўрсатиш пайти келди. Бу ҳақда атрофлича ўйлаб кўриб, Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияларининг бирида қарор қабул қилинса айни муддао бўлар эди.

**Ф. ЗОҲИДОВ,**
**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист, Урганч шаҳри.**

### *Унутилмас кунлар*

● У кунларни сира унутиб бўлмайди. Асли ўзим ғалаосиёликман. Бухоро Давлат педагогика институтида Қарши районига бориб ишлашга йўлланма беришганди. Қишлоқларда олий маълумотли муаллимлар етишмасди. Йўқ дея олмадим. Райондаги 2-ўрта мактабда тил ва адабиёт фанидан дарс ўтардим. Орадан тўққиз ой ўтгач бутун мамлакат бўйлаб мудҳиш хабар эшитилди. Фашистлар Германияси она Ватанимизга бостириб кирганди.

Ҳамма эркаклар урушга кетишди. Ҳатто юқори синф ўқувчиларини ҳам фронтга олишди. Қишлоқлардаги деҳқончилик юмушлари аёлларга қолди. Биз ўқитувчилар ярим кун мактабда ишлаб, бошқа вақтимизни далада ўтказардик. Колхоз ишларига қарашардик. Ўша йилларда бизнинг Сталин номли колхоз (ҳозирги «Ленинизм» совхози) иқтисодиётида ғалла етиштириш асосий ўринни эгаллади. Хотин-қиз ўқитувчилар биргалашиб майсаларни суғорардик. Ерлар анча унумдор эди. Гектаридан 20—25 центнергача арпа-буғдой етиштириларди. Пишиб етилган ҳосилни ҳам ўзимиз ўриб-янчиб олардик. Бу ишимиз фронт орқасини мустаҳкамлашга ёрдам берарди.

Украина ва Белоруссия фронтларида жанг қилаётган ўзбек йигитларига бир неча бор совғалар жўнатганмиз. Тўғри совғалар миқдор жиҳатдан катта бўлмасада ўз қўлимиз билан тайёрлаган майиз, қовун қоқими, шунга ўхшаш турли-туман мева-чевалар, тўқилган жун қўлқоп ва бошқа кийим-кечаклардан иборат посилкалардаги бир энлик битилган хатларда «фронтда астойдил жанг қилинг, кетингизда биз бор деган» сўзлар ёзилганлиги ҳаги-ҳали эсимда. Албатта бу нарсалар жангчиларимиз кайфиятини кўтаришига мададкор бўлишига ишонардик.

Урушнинг охирги йиллари. Шаҳардаги яккаягона мактабда ҳам олий маълумотли ўқитувчилар етишмасди. Мени Навоий номли ўрта мактабга ўқитувчи ва бир вақтнинг ўзида директорликка тайинлашди. Шаҳар партия комитетидан Украинадан етим қолган болалар Ўзбекистонга жўнатилаётганини айтишди. Биз 400 нафар болани бағримизга олишга, уларни ўқитиб тарбиялашга қарор қилдик. Тез орада Чаримғар маҳалласида болалар уйи очилди. Биз ота-онасиз болаларни қабул қилиб, байнаминал бурчимизни бажаришга киришдик.

Ҳа, ўшанда фронт орти ҳам фронт эди. Шундай вазиятда одамлар меҳр-оқибатли, бир-бирига дўст, ўртоқ саховатли бўлишга интилишарди. Ана шу бирлик, иттифоқлик ва ватанпарварлик ғалабамизни таъминлади десам хато қилмайман.

**О. ФАТХУЛЛАЕВА,**
**республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер. Қарши шаҳри.**

**Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.**

Р.—10067. № 106. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12